

# СЕН МЕНГА ТЕГМА, МЕН СЕНГА... ТЕГИНАМАН

— Мен «ёзувчман». Буни ҳеч қачон инкор этмаганман. Атрофимизда бўлаётган ноқонуний ҳаракатларга лоқайд томошабин бўлиб туришдан кўра бу афзал эмасми?

4-бет

# ОЙ ЧИҚМАГАН ТУН

Рамазон ойида етим-есирлар, беморлар ҳолидан хабар олиш, уларга эҳсонлар улашиш ота-боболаримиздан қолган яхши хислатлардан. Бировнинг дилини оғритиш, ўзганинг ҳаққига хиёнат қилиш, ҳатто қаттиқ гапириш қораланган.

6-бет

# ҲИНДИСТОНДАН ХАТ

Шоҳжаҳон бобомиз Мумтозмахалбегим онамиз хасталик туфайли вафот этганларида ҳали 40 ёшга етмаган эди. У киши Ҳиндистон салтанатининг шоҳи бўла туриб, бошқа оила қурмади ва 22 йил мобайнида, 20 минг уста ёрдамида Тоҷимаҳал қасрини бунёд этди.

7-бет

# «ШАЙТАНАТ» БУЮРТМА АСАР ЭМАС

Афсуски, ҳозир ёшлар орасида китоблардаги идеал қаҳрамонлардан кўра, ҳаётдаги «кумир»ларга эргашиш авж олган.

8-бет

Mustaqillik huquq demakdir

# НУҚУШУ

# 14

(329)

YURIDIK GAZETA

April					
D.	5	12	19	26	
S.	6	13	20	27	
Ch.	7	14	21	28	
P.	1	8	15	22	29
J.	2	9	16	23	30
Sh.	3	10	17	24	
Y.	4	11	18	25	

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

9 апрель — Соҳибқирон Амир Тему́р таваллуд топган кун

ОГОҲЛИК, ҲУШЁРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

## ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН БРИФИНГ



Амир Тему́р шахсини идрок этиш — тарихий идрок этиш демакдир.

Пислом КАРИМОВ

## СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИ

Тошкентнинг қок марказида улуг саркарда, марказлашган ўзбек давлати асосчиси, фан, санъат, меъморчилик ҳомийси, буюк бобомиз ҳазрат Соҳибқирон Амир Тему́р хайкали қад кўтарган. Соҳибқирон унда от минган ҳолда тасвирланган. Рўйи замин сайқали, бобомиз барпо этган буюк салтанат пойтахти азим Самарқанд марказида эса бобокалонимизнинг тахтада ўтирган ҳолатлари тасвирланган хайкал бор. Ҳар сафар бу хайкаллар ёнидан ўтарканман, кўнглимда қандайдир гурур, ифтихор хислари тугён уради. Худуди Урта ер денгизидан то Хитой чегараларигача ёйилган салтанат қуриб, шундай улкан давлатда адолатни қарор топтирган зотнинг авлодлари эканлигимиздан кўнглим осмон қадар кўтарилади.

Бўш вақтларимда бобомизнинг «Тузуқлар»ини кўлга оламан, баъзан Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сини варақлайман, гоҳи Ибн Араб-шоҳнинг «Амир Тему́р тарихи» асарини мутолаа қиламан. Кўз ўнгимда «Баланд қадли, кенг пешонали, гоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, кўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, қадди-қомати камолига етган, серсоқол, икки кўзи бамисоли икки шам бўлса-да, шодлиги билинмайдиган, йўғон овозли» (Амир Тему́р тарихи, 2-китоб, 65-бет) Соҳибқирон намён ё бўлади. Бармоғидаги тамга вазифасини бажарадиган узук кўзида «рости растие», яъни тахминан «ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан», деб ёзилган.

(Давоми 2-бетда).



Республика Бош прокуратурасида хорижий ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари учун брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашид Қодиров март ойининг охирида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик хуржларини текшириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан таништирди. У таъкидладикки, барча воқеалар бўйича жиноий ишлар ўзгатиш билан тергов олиб борилаётган. Тезкор кидирув маълумотлари асосида ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан террорчилик актига дахлдор шахсларни аниқлаш, топши ва кўлга олиш бўйича зарур чоралар кўриломоқда.

Сўнгги кунлардаги террорчиликка алоқадор воқеалардан бири — Бухоро вилоятининг Ромитан туманида 1 апрель куни рўй берган ҳодиса тафсилотлари маълум қилинди. Хусусан, Фароғат Ақромова ўз уйида кўлбола портлаш моласини ишга туширган. Натижада у оғир жараҳат олиб, касалхонага ётқизилган, 10 ёшли Зарина Саидова эса портлаш содир бўлган жойда ҳалок бўлган, бошқа жабрланганлар йўқ. Аниқланишича, Ақромова 28 март куни шу тумандаги Раззоқовлар уйида рўй берган портлаш пайтида ҳалок бўлган Бобур Омоновнинг беваси, Саидова эса унинг синглиси экан.

Текшириш давомида террорчиларнинг ёвузликларига оид бошқа фактлар ҳам аниқланмоқда. Хусусан, жиноятчиларнинг ўзлари томонидан ясалган портлаш моласининг портлаши туфайли ҳамда махсус операциялар давомида 33 нафар террорчи йўқ қилинган, улардан етти нафари аёллардир.

Террорчиларни кўлга олиш ва қуролсизлантиришга қаратилган операцияларни ўтказишда пухта тайёргарлик кўришга, ҳавфсизлик чораларини кучайтиришга, тинч аҳоли ўртасида қурбонлар бўлишининг олдини олишга катта эътибор қаратилган.

Масалан, 30 март куни Қўйрай тумани Салар посёлкасидаги уйлардан бирида қуролланган террорчилар борлиги хусусидаги ишончли маълумотлар асосида жиноятчиларни кўлга олиш ва қуролсизлантириш мақсадида махсус операция ўтказилди.

Махсус тadbирни ўтказиш чоғида террорчилар қаттиқ қуролли қаршилик кўрсатдилар. Уларнинг махсус кучлар ҳалқасини ёриб ўтишга қилган ҳаракатлари бурчараф этилиб, отишмалар чоғида жиноятчиларнинг бир қисми йўқ қилинди. Қолганлари эса уч нафар террорчининг таналарига боғланган кўлбола портла-

тиш моласининг ҳаракатга келтирилиши ва иккита гранатанинг портлатилиши натижасида ҳалок бўлган. Ушбу тadbирнинг ўтказилиши натижасида жами бўлиб 14 нафар бандит йўқ қилинган, уларнинг 5 нафари террорчи аёллардир.

Бугунги кунда террорчиликка дахлдорликка гумон қилинаётган 19 киши кўлга олинган, уларнинг тўрт нафари хотин-қизлардир. Уларни кўлга олиш пайтида жиноят жойида шахси тасдиқловчи кўп миқдордаги қалбаки ҳужжатлар топилди. Ҳужжатларнинг қаерда тайёрлангани синчковлик билан ўрганилмоқда.

Террорчиларнинг қурол-яроғ арсеналида 55 донга кўлбола портлаш моласи, алюмин кукуни, аммиак селитраси аралашмаси солинган 72 та ярим литрли пластмасса идиш, кўлбола портлатиш моласини тайёрлаш учун мўлжалланган компонентлар: 271 та электродетонатор, 210 та микросхема, 64 та тумблер-переключатель, 300 метр сим, 8 та СВ-4 кўлбола портлатиш моласи заряди, 30 килограммдан ортиқ болт, гайка, шайба, зўлдар ва бошқа металл буюмлар, шунингдек, портлатиш моласининг ясашга оид зарур йўриқномалар топилган.

Бундан ташқари, 2 тоннадан ортиқ алюмин кукуни, аммиак селитраси ва уларнинг аралашмаси, 7 та «Калашников» автомати, 11 та турли русумдаги пистолет, автомат ва пистолетлар учун 2 мингта жанговар ўқлар, 2 та жанговар граната топилган.

Ана шу буюмларнинг келиб чиқиши ҳамда портловчи моддалар таркиби бўйича криминалистик экспертизалар ўтказилмоқда. Шу билан бирга, кўлга олинган диний адабиётлар қайси ақидапарастлик диний оқими-га мансублиги мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

Бош прокурор тергов жараёнида ушбу ёвузликлар уюшган ягона жиноий марказ орқали бошқариладиган жиноий гуруҳ томонидан содир этилганлиги ишончли далиллар асосида аниқланганлигини маълум қилди. Мазкур гуруҳ аъзоларининг аксарияти республикамиздан ташқарида жанговар тайёргарликдан ўтган. Булар Ўзбекистондаги террорчилик ҳаракатлари ҳалқаро террорчилик ташкилотлари томонидан содир этилган, дейишга асос бўлади.

Бош прокурор тергов жараёни хусусида журналистлар ва жамоатчилик мунтазам равишда хабардор қилиб борилишини қайд этди.

Суратда: Брифингдан лавҳалар. А.ТУРАЕВ олган сурат.

ОГОҲЛИК, ҲУШЁРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

### ТERRORИЗМ ИНСОНИЯТ ДУШМАНИ

Март ойининг охириг кунларида Тошкент шаҳрида ва Бухоро вилоятда содир этилган террорчилик ҳаракатлари «тинчлик учун курашмоқ керак» деган гап нақадар ҳақиқат эканлигини яна бир бор исботлади.

Дарҳақиқат, тинчлигимизни, оқсоғишталогимизни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Шу Ватан, шу мамлакат фуқароси эканмиз, унинг тақдирига, келажакига ҳеч қачон бефарқ қарамаслигимиз керак. Қора кучлар оқсоғишта кунларимизга, тотув турмушимизга таҳдид қилдиларми, демак, биз ҳам уларга муносиб жавоб беришимиз шарт.

Маълумки, кейинги йилларда дунё миқёсда терроризмга қарши кураш анча катъийлашди. Халқаро терроризм номини олган қора кучлар уяқуриб олган маконларга кескин зарбалар берилмоқда. Уларнинг етакчиларини, раҳбарларини қўлга олиш мақсадида кенг қўламли махсус тадбирлар ўтказилляпти. Жон талвасасига тушган террорчиларнинг ёвуз қилмишлари гоҳ Мадрида, гоҳ Москвада, гоҳ Истанбулда қайд этилмоқда. Ҳазирнинг бундай ҳоҳуриликлари билан дунё ахлида нафрат уйғотаётган ёвузларнинг мудуиш жиноятларига чек қўйиладиган кунлар яқин қолганлигига менимча ҳеч қандай шубҳа йўқ. Улар нақадар оғир жиноятларга, нақадар жирканч хунрезликларга қўл урмасинлар, келажакни, фарзандлари, юрти тақдирини йўловчи одамлар иродасини бука олмайдилар.

Террор нима эканлигини, мустақилликка, тинчликка таҳдид нима эканлигини юртдошларимиз Тошкентдаги февраль воқеалари, Сарисийё, Узун туманларида содир этилган тажовузлар орқали яқини билади. Шу сабаб, бундай жирканч жиноятларга қўл урган қора кучлар билан ҳеч қачон муроаа йўлини танламайди, иродасини букмайди ва тахликага тўшмайди.

Президентимиз: «Мустақиллик ҳавосидан бир бор кўкрагини тўлдириб нафас олган киши унинг қандай нъмат эканлигини яқини билади», — деган эди. Ҳақиқатан ҳам бугун ўзбек халқи мустақиллик ҳавосидан баҳраманд бўлмоқда, унинг қандай буюк нъмат эканлигини яқини билади. Шу сабаб, юртдошларимиз мустақиллигимизга, буюк нъматимизга тажовуз қилмоқчи бўлган бир ҳовуч қора кучларга қарши бир мақсад йўлида курашга бирлашди. Халқ ҳоҳиш-иродаси олдига эса ёвуз кучларнинг пайи қирқилиши, муқаррар жазо олишлари шубҳасиздир.

Санъат СОБИРОВ,  
Навоий ихтисослаштирилган  
прокуратураси прокурорининг ўринбосари

### ХАЛҚ НАФРАТИ — ЭНГ ОЛИЙ ЖАЗО

Тошкентда ва Бухорода рўй берган портлашлар, беғуноҳ одамларнинг қурбон бўлиши террорчиларнинг жирканч башарасини яна бир қарра намоеён этди. Бу жирканч қилмишлари билан улар ҳеч нарсанга эриша олгани йўқ ва эриша олмайдилар ҳам. Ҳуш мудуиш фожеалардан сўнг орадан ҳеч қанча вақт ўтмай республикамизда осуда, тинч ҳаёт яна ўз изига тушгани, бугунги кунда ҳамма ўз иши билан бандлиги фикримизнинг далилидир. Лекин террорчиларга нисбатан халқнинг газаби, нафрати бир дақиқа ҳам сустайгани йўқ. Аксинча бутун халқ уларни лаянатламоқда. Инсон учун бундан ҳам ортқорак жазо борми?

Прокуратура фахрийси сифатида бу унсурларнинг қилмишларидан жуда каттиқ газабландим ва бу фожеаларга барҳам бериш мақсадида республикамизда қандай чора-тадбирлар қўриладигани ҳамда бунга дунё ҳамжамияти қандай муносабат билдириб, оммавий ахборот воситаларида қандай талқин қилинаётганини кузатиб бордим. Очиғи, айрим хорижий оммавий ахборот воситаларининг чиқишлари ҳар қандай соғлом фикрли одамнинг гашини келтиради. Ҳолбуки, Президентимиздан тортиб, барча расмий идораларга бор ҳақиқатни очик-ойдин айтиб туришибди. Айниқса, Республика Бош прокурори Рашидтон Қодиров ўз интервьюсида террористик ҳаракатларга оид ишончли маълумотни фақат Бош прокурордан олиш мумкинлигини айтиб, ҳамма учун кенг йўл очиб қўйди. Бундан ортқ демократия, ошқоралик бўладими? Лекин шунга қарамай баъзи хорижлик журналистлар ноаниқ маълумотларга таянган ҳолда бўхтон ахборотлар тарқатаётгани ажабланирми. Менимча, уларни касб этикасига, халқро нормаларга риоя қилишга қақириб қўйиш лозим.

Хожира ҚИРГИЗБОВА,  
прокуратура фахрийси, Наманган вилояти

### НАФРАТ

Шу тупроқда ўсдик, ундик,  
У — қўзимизга қароғ.  
Гоҳ ганимлар кўз олайтар,  
Қўлларида тиг-яроғ.

Бул боғларнинг боғбони бор,  
Ғаддор душман, қўзини оч,  
Керак бўлса жои берайи —  
Қилч бўлай яланғоч.

Сенда Ватан бўлмаса гар,  
Бошқаларда не гуноҳ?!  
Бор-йўғиниш иўқотансан,  
Осмон гувоҳ, ер гувоҳ.

Тоғу тошга беркиниб сен,  
Шақала айлангансан.  
Қайтмоғинг йўқ... кунинг битди.  
Улимга шайлангансан.

Халқим сенга ўлим тилар,  
Яшамоққа ҳаққинг йўқ,  
Кушларда ҳам қаам бор-ку,  
Сенинг миллат, халқинг йўқ.

Исматулло ЙЎЛДОШЕВ

### NAZORAT

Қассобнинг кўзи семизда бўлса, чанқоқнинг кўзи қимизда бўлар экан. Пул, мол-дунё орттиришга хирс қўйган баъзи одамлар ўз фойдаси йўлида ҳатто қабиҳ ишлардан ҳам қайтмайди. Танишим, бегонами, бадавлат ё муҳтожми, қандай бўлмасин улардан бирор фойда кўриб қолиш фикрида бўлади.

Чин инсоний фазилатлардан ҳисобланган меҳр-муруватнинг давлат сиёсати даражасига қўтарилиши олижаноблик ва бағрикенглик нишонасидир. Ҳам савобли, ҳам саховатли йўналишлар асосида тузилган ва амалга татбиқ этилаётган давлат дастури эса ўз тафтини ҳеч бир муҳтождан аягани йўқ. Шундай экан, бу йўлда олиб борилаётган ҳар бир ишмиз виждондан ва ўз ўрнида амалга оширилганига не етсин.

Вилоятда йилнинг дастлабки икки ойи давомида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилганлигига қарамай, савоб йўлидаги юмушлардан ҳам ўзларига фойда излаган, бир сўз билан айтганда, муҳтожлар нонига қўл узатишдан ўзини тия олмаган кимсаларнинг борлиги ачинарли ҳолдир.

Вилоят прокуратураси томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий

## СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Амир Темур олимларга меҳрибон бўлган, саййид шарифларни ўзига яқин тутган. Уламолар ва фозилларга тўла-тўқис иззат-ҳурмат қўрсатган, «Яна тажрибамда кўп билдимки, — деб ёзади Соҳибқирон, — давлат агар дину ойин (қоида) асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукухи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшайди, уни кўрган касас назарини олиб қолади. Ёхуд касу касу тап тортай кириб чиқадиган томсиз, зиғи-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди» (Тузуклар). Дарҳақиқат, Соҳибқирон чин мусулмон ва солиҳ сиймо бўлган. Покистонлик таниқли адиб Зеб Малик Абди Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган романида ёзишча, Соҳибқирон ҳарбий юришларида бир зумда тикланадиган ва йиғиштириладиган ёғоч масжидни ўзи билан олиб юрган экан.

Ўтмишда Амир Темур ҳақида жуда кўп салбий фикрлар айтилган, аммо мен уларга тўхталмоқчи эмасман. Буюк тарихий шахсни фақат тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан, ўша замон воқежидан келиб чиқиб баҳоламоқ керак. Ўрта асрлардаги шарт-шароитлар билан ҳозирги кунни таққослаб бўлмайди.

Соҳибқиронга ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиб баҳо бериш мумкин эмас. Лекин унинг «Тузуклари» ва бошқа манбалардан йиғилган тарихий фактларни талқин қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Амир Темур ижтимоий-сиёсий тафаккурининг буюклиги у давлатнинг ривожланиши жамиятнинг аҳоли ва тараққиёти ва ҳар бир ижтимоий гуруҳ манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини биринчи бўлиб англаб етганидир. Соҳибқирон ҳар бир муаммони тинчлик йўли билан, сиёсий йўл билан ҳал қилишга уринган. Аммо ҳал қилишнинг биронта бошқа усули қолмагач, қилч ёрдамида уруш йўли билан ҳал этган.

Бундан ташқари, Соҳибқирон ҳақиқий жангчи бўлган, ўз аскарлари учун жонини беришга да тайёр бўлган. Шу ўринда олмониялик муалиф, ўз вақтида Соҳибқирон ҳузурда танқўриқчи бўлиб хизмат қилган Йохан

нес Шильтбергернинг «Европа, Осиё ва Африка бўйлаб саёҳат» деган китобида тасвирланган бир воқеа эътиборга лойиқ. Унда айтилишича, Амир Темур Исфохон аҳолисини қириб ташлашга буйруқ берган. Шильтбергернинг ёзишча, шаҳар урушига таслим бўлган, солиқ ва боғларни ўз вақтида тўлаб туришга ваъда берган. Бундан ташқари Амир Темур лашкарига нон ва бугдой бермоқчи бўлган. Чопарлардан бу забарни эшитган Соҳибқирон шаҳарни забт этмай, қўшини билан шаҳар ташқарисига чоқир ўрнашди ва ногул, барваста аскарларидан 3500 тасини бугдойни келтириш учун қуролсиз ҳолда шаҳарга жўнатилади. Фитначилар томонидан гиж-гиллаб турилган шаҳар аҳолиси қуролсиз аскарларни асир олиб, қатл этади.

Бу забарни эшитган Соҳибқирон чуқур қайғуга ботади. Биронта азирли сабабсиз шунча аскаридан айрилиш, адолатнинг пайлом қилиниши лашкарбошига қанчалар қаттиқ таъсир қилишини тасаввур қилиш мумкин. Шу сабабли Соҳибқирон «ал-қасосу ҳаққун» яъни «қасос олиш ҳақ бўлибди», дея беғуноҳ аскарларнинг ўлими учун бешафқат қасос олган бўлса, ажабмас. Эро, шариат қонунларида ҳатто намоз ўқийётган пайтда ҳам иккита ўрмаловчининг, яъни илон билан чаёнинг бошини янчишга рўхсат берилган. Амир Темурнинг кўп сонли ҳарбий юришлари тўғрисида гапирганда ҳам уларни амалга оширишга мажбур қилган сабабларни, шарт-шароитларни ўнутамастлик керак. Масалан, Амир Темурни Тўхтамурш ёки Султон Бозийдларга қарши юриш қилганга мажбур этган нарсаларнинг ўз тажовузкорлиги ва душманлик ниятлари бўлган.

Соҳибқирон бобомиз менинг тасаввуримда улкан салтанатни усталик билан бошқарган, фуқароларнинг фаровон турмуши, тинчлиги ҳақида қайғурган, ўз даврида амалда бўлган қонунларга ўзи ҳам қаттиқ риоя қилган, бошқалардан ҳам шунча талаб этган, адолат-этиқликка йўл қўядиган бўлса ҳатто ўз ўғилларини ҳам азиямдан одил кўмдор сифатида гавдаланади.

Садриддин ХИДИРОВ,  
ТДЮИ катта ўқитувчиси

### HAMKORLIK

## АВСТРИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА САФАР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари П. Бобожонов, Ички ишлар вазири ўринбосари Х. Иброҳимов, Бош прокуратура бўлими бошлиғи А. Мухамедов, Адлия вазирлиги бўлими бошлиғи Д. Матрасулов ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИБ бошқармаси катта инспектори Р. Ишметовлардан иборат республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари делегацияси 2004 йил 15-20 март кунлари Австрия Республикасида бўлиб қайтди.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Австрия Республикаси ҳукумати ўртасида 2001 йил 2 ноябрда имзоланган «Жинийатчиликка қарши кураш ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида»ги битим қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари му-

ҳокама қилинди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон делегацияси аъзолари Австрия Республикаси Ички ишлар федерал вазири, Адлия вазирлиги, Вена шаҳри прокуратураси, пенитенциар тизим муассасалари, Австрия давлат босмахонасида бўлиб, ушбу муассасалар раҳбарлари ҳамда вазирлиги билан учрашдилар ва музокаралар олиб бордилар.

Ички ишлар федерал вазириликка бўлиб ўтган учрашув чоғида ижтимоий хавфсизлик бўйича Бош директор жаноб Эрик Буксбаум билан музокаралар бўлиб ўтди ҳамда терроризмга қарши кураш соҳасида алоқалар ўрнатиш гиёҳвандлик моддаларга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлаш масалалари муҳокама этилди.

Ташриф дастурига мувофиқ делегация аъзолари Вена шаҳри полициясининг махсус бўлинмаси-

ни, яъни Россаякернерни бориб қўрди ва унинг фаолияти билан танишди. Сўнгра Вена шаҳридаги мамлакатнинг энг катта пенитенциар муассасаси ҳисобланган Йозефштадтнинг бориб қўришди.

Австрия Адлия вазирлигида халқаро жиноят ҳуқуқи ва ҳуқуқий ёрдам бўлими бошлиғи билан ўтказилган музокаралар давомида кабинет раҳбари, катта прокурор доктор Стефан Беннер билан биргаликда жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам қўрсатиш, экстрадиция масалалари муҳокама этилди.

Ташриф давомида делегациямиз аъзолари австриялик ҳамкасблари билан тажриба алмашиб, икки томонлама профессионал алоқалар ўрнатиб қайтишди.

А. МУХАМЕДОВ,  
Республика Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи

истемол қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Мисол учун, ўтган йилнинг май ойида Боғишамол тумани ижтимоий таъминот бўлимининг пенсияларни таъминлаш шўъбаси бошлиғи М.Жалилова ўз хизмат макенидан фойдаланиб фуқаро А.Рязановга пенсия тайинлашда ҳужжатларни расмий-

ни ўзлаштирганиклари аниқланиб, ушбу ҳолат юзасидан ҳам айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилганлар.

Пахтачи туманидаги «Зиёвуддин» почта шўъбаси ва туман «Савадогарбанк» бўлими мансабдор шахслари эса 31 млн. 760 миң сўмлик, Нарпай туман почта

## ПЕНСИЯ ПУЛЛАРИ... ГАЗ ТЎЛОВИГА

муҳофаза қилиш вазирилик тизимидаги «Саховат» ва «Мурувват» йўлида, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларида, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига моддий ёрдам қўрсатиш учун ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли фойдаланилиши ва бу орада прокурор назорати аҳоли юзасидан текшириш ўтказилди.

Далиллар шуни кўрсатадики, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимида ишловчи ҳодимлар орасида давлат томонидан берилган ишончи суи-

лаштириб бериш эвазига пора талаб қилиб олаётган пайтида ушланган.

Ушбу ҳолат юзасидан прокуратура томонидан жиноят иши қўзғатилиб, жиноят иши айблов ҳулосаси билан судга юборилган.

Шош-шуви талон-тароқликларга сабаб бўлган яна бир ҳолат. Пастдарғом тумани почта шўъбаси ва туман махсус мансабдор ва моддий жавобгар шахслари жиноий гуруҳга бирлашиб, 1999-2002 йиллар давомида 65 млн. сўмлик давлат томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун ажратилган маблағлар-

шўъбаси ва туман «Пахтабанк» бўлими мансабдор шахслари 60 млн. 967 миң сўмлик пенсия тўловларини тарқатиш ўрнига тўғридан-тўғри табиий газ, электр энергияси ва бошқа коммунал хизмат тўловларига ўтказиб юборилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Мазкур ҳолатлар юзасидан айбдор шахсларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Алишер ЗОКИРОВ,  
Самарқанд вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими бошлиғи

# ҲЕЧ БИР МУРОЖААТ ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Бир кунлик адолат қирқ  
кунлик ибодатдан афзалдир.

Ҳадисдан



13 кишининг 285.400 сўм пенсия пулини, Шахрихон туманидаги «Бўстон» алоқа бўлими хабарчиси М.Машарипов эса 6 кишининг 177 минг сўм пенсия пулини яширинча ўзлаштириб юборишган. Ҳолбуки, жабрланувчилар

давом этар эди? Урни келганда таъкидлаш жоиз, ўтган 2003 йилда мамлакат прокуратура органларига фуқаролар ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар сони 70 мингга яқин. Шулардан яримига яқини прокуратуранинг ўзида ҳал этилиб, 29.066 таси ҳал қилиш учун бошқа муассасаларга жўнатилган. Тахлиллардан кўринадики, прокуратура органларига келиб тушган мурожаатлар сони бирмунча камайгани ҳолда прокуратуранинг ўзида ҳал этилганлари сони ортган. Фуқаролардан келаётган ариза ва шикоятлар асосан иш ҳақи ўз вақтида тўланмаётгани, суд-

қилаётган ҳудудлардан марказий маҳкамага келаётганлар сони камайган. Вазият аксинча бўлган ҳолатлар ҳам борки, Фаргона вилоятининг Бешарик, Сўх, Наманган вилоятининг Косонсой, Тўрақўрғон туманларида бундай қабуллар номингагина ташкил этилган. Жойларда кўриб чиқилмагани учун Бош прокуратура қабулхонасидан олинган кўллаб мурожаатлар ҳудудий прокуратураларга жўнатилиши шундай ҳолларнинг натижасидир. Айрим жойларда фуқароларнинг қонунбузарлик содир этилганлиги ҳақидаги мурожаати юзасидан тергов ва суриштирув ишлари тезоки

**Мамлакатимиз Конституцияси ва қабул қилинаётган бошқа қонунлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаз қилишга қаратилган. Биз фуқаролик ҳаёти сари интилайамиз. Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан янги тахрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ижросини назорат қилиш айтилган вақтда прокуратура идоралари олдидаги асосий масалалардан ҳисобланади.**

## КЕЛИНГ, ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁРМИЗ

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан бу борада бир қанча ишлар олиб борилмақда. 2003 йил давомида Қорақалпоғистон прокуратура органларига фуқаролардан 3235 ариза ва шикоят, юридик шахслардан 42 мурожаат келиб тушган. 2002 йилга нисбатан ариза ва шикоятлар 161 тага камайган. Келган аризаларнинг 2763 таси прокуратура органлари томонидан текширилиб, тегишли қарор қабул қилинган. 1366 та ариза текшириб ҳал қилиш учун бошқа муассасаларга юборилган. Текшириш давомида 606 аризада курсатилган ҳолатлар тасдиқланиб, аризаларнинг талаби қаноатлантирилган. Масалан, 2003 йил 2 июнь куни фуқаро М.Абдуқамоллов Чимбой шаҳридаги 9-маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Н.Есмазоров кам таъминланган оилаларга гуманитар ёрдам сифатида келган озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатишда қонун бузилишига йўл қўяётгани ҳақида мурожаат қилган. Текширишда аризада курсатилган вазлар тасдиқланиб, Н.Есмазоровга нисбатан жиноий иш қўзғатилди ва суд томонидан тегишли жазосини олди.

Шунингдек, фуқаро З.Ўразбоевнинг 2003 йил 6 ноябрдаги аризаси бўлича ўтказилган текширишда фуқаро Ж.Нурмубетов турмуш ўртоғи М.Ёқубова билан унинг 650.000 сўмлик пули ва мол-мулкни фарибгарлик йўли билан олиб кетганлиги аниқланган. Ушбу ҳолда бўйича жиноят иш қўзғатилиб, тергов олиб борилмақда. Прокуратура ходимлари 2003 йилда 2732, жумладан иш ва яшаш жойларида 369 фуқарони қабул қилишган. Айтилган ҳам барча шахар ва туман прокуратураларида фуқароларнинг қабул қилиш графикалари тузилган бўлиб, бевосита мулоқотлар давом эттирилмоқда.

**И.ЖУМАГАЛИЕВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг катта ёрдамчиси

## ҲАҚҚИНГИЗНИ ТАЛАБ ҚИЛИНГ

**Олимларнинг фикрича, қаерда меҳр-оқибат кучли бўлса, ўша жамият гуллаб-яшнайдди, барқарор ривожланади. Меҳр-оқибат эса кенг кўламли тушунча. У фарзандларни баркамол этиб тарбиялашдан тортиб, қўшнилари билан ҳавас қилса арзигулик муносабатларни йўлга қўйишгача, ҳамсўхбатнинг гапларини диққат билан тинглашдан киши қаерда, қайси идорада ишлашидан қатъи назар, зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажаришигача — ҳаммасини қамраб олади. Дунёда бир-бирига боғлиқ бўлмаган нарса йўқ. Жамият аъзолари ўртасидаги муносабатлар занжирга ўхшайди. Занжирнинг бир ҳалқасига дарз кетдимми, уёғини қўяверинг.**

Шу ерда бир мисол келтирмоқчиман. Давлатимиз қариялар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганларни ихтимой муҳофаз қилиш мақсадида уларга муайян миқдордаги пенсияни тайин этган. Бунинг учун ҳар йили бюджетдан жуда катта маблағ ажратилади. Пенсияларни эгаларига вақтида етказиб бериш ихтимой таъминот бўлими ходимлари ва почтачиларнинг вазифаси. Хўш, улар вазифасини қай даражада бажаришяпти? Прокуратура идоралари ўтказган текширишда аниқланишича, ўтган йили Андижон вилояти Кўрғонтепа туман ихтимой таъминот бўлими ходими Г.Чалабоев ва «Дардоқтепа» алоқа бўлими муdiri А.Йўлдошев тил бириктириб,

пенсияси нега кечикаётганини сўраб уларга бир неча марта мурожаат қилишган. Фуқароларнинг давлат идораларига ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи қафолатланиши ҳамда ҳеч бир мурожаатнинг эътибордан четда қолдирилмаслиги ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан биридир. Одамлар юқоридоғи масала билан прокуратурага мурожаат қилганидан сўнггина масала ижобий ҳал этилиб, айбдорларга нисбатан тегишли чора кўрилади. Аммо масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Давьогарлик ҳисси иш бериб, фуқаролар ушбу қонунбузилиш ҳолати юзасидан прокуратурага мурожаат қилмаганида аҳвол тоқайгача шундай

ларнинг ноконунй қарорлари, шартномаларнинг вақтида бажарилмаётгани хусусидадир. Масалан, фуқаро З.Холматовнинг аризасида ёзилишича, у билан «Ўзуйжойжамгармабанк» ўртасида тузилган уй-жой сотиб олиш тўғрисидаги шартнома банк томонидан бузилган. Банк шартномада курсатилган суммани тўлаш урнига миқоз билан мажбур равишда қўшимча кредит олиш шартномасини тузиб, унга моддий зарар етказган. Ушбу мурожаат марказий маҳкаманинг умумий назорат бошқармаси томонидан мутахассисларнинг жалб қилган ҳолда текширилганда шикоятчининг вазлари тасдиқланган. Миқозга етказилган 1 млн. сўм моддий зарар ундирилдиб, унинг талаблари қаноатлантирилган ва банк ходимларига нисбатан интизомий чора кўрилган. Маълумки, прокуратура органлари бўйсунув тартибидан ишлайди, яъни Республика Бош прокурорига бўйсунди. Фуқаро муайян қонунбузарлик ҳолати юзасидан аввал туман, сўнг вилоят, ундан кейингина Республика Бош прокуратурасига мурожаат қилиши керак. Прокурорлар фуқароларни беистисно қабул қилаётган, хатто маҳалларга, меҳнат жамоаларига бориб юзма-юз мулоқотлар ташкил

ўтказилган. Бу эса фуқароларнинг прокуратурага қайта-қайта мурожаат қилишига сабаб бўлаяпти. Баъзи ҳолларда жиноят иш қўзғатиш асосиз равишда рад этилган. Масалан, Жиззах шахар прокуратураси томонидан М.Раззоқовнинг шахар ИИБ ходимлари Б.Ж., Н. ва бошқалар турмуш ўртоғи Х.Раззоқовни ИИБга олиб келиб, фуқаро А.Баратовни топиб беришни талаб қилиб, уриб жароҳат етказганлиги учун чора қўришни сўраб ёган ариза юзасидан терговолди текшириши ўтказилиб, жиноят иш қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган. Қарордан норози бўлган муаллиф вилоят прокурорига мурожаат қилгандан сўнггина ИИБ ходимлари жиноят содир этганлиги аниқланиб, жавобгарликка тортилган. Одамларнинг табиати турфа. Кимдир ҳақсизликка дуч келса дардини ичга ютади, бировлар ҳақини талаб қилади, адолат учун охиригача курашади. Орамизда мана шундай иккинчи тоифадаги кишилар кўпайиши пировард мақсадимиз — ҳуқуқий-демократик давлат қуриши ишини оsonлаштириди.

**Ортиқбой ҚОСИМОВ,**  
Республика Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи

## ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИМАН

Мен 1974 йили Уш шаҳрида туғилганман. Тақдир тақозиси билан 1992 йили водийга кўчиб келиб, уч йил ўтгач, фарғоналик Шерали Умаровга турмушга чиқдим. Фарғона шаҳар 1-миллиция бўлимида паспорт бўлимига Ўзбекистон фуқароси паспортини беришларини сўраб мурожаат қилган эдим. Бунинг учун барча зарур ҳужжатларни топишган бўлсам-да, менга фуқаролик паспортини бериш пайсалга солиб келинди.

Ниҳоят 2004 йил 20 январь куни Фарғона шахар прокурори М.Тешабоевга ариза билан мурожаат қилдим. Шаҳар прокуратураси аризамни бир ой муддатга қолмай кўриб чиқиб, ижобий ҳал қилиб берди. Мен Ўзбекистон фуқароси паспортига эга бўлдим.

Менга ёрдам берган шахар прокуратураси ходимларига миннатдорчилик билдираман.  
**Феруза ҲАСАНБЕКОВА,**  
Фарғона шаҳри

Х аётда бирор муаммага дуч келсангиз, кўнглингизнинг бир четидан пайдо бўлган хавотир сизни тинч қўймай қўяди. Бундай пайтда инсон ташвишини тўғри келган кишига дoston қилавермайдди. Аксинча, қандай йўл турса, кимга ёрлса, дарди қушойиш топишини ўйлаб кўради. Яқинда Иштихон туманида бўлганимда прокурор қабулхонасида изтиробларини қозғоғна тўкиб, умид билан эшикка кўз тикиб турган талай фуқароларни кўрдим.

Қабул оларига ҳали қарийб йигирма дақиқа вақт борлиги ту-

деган йигитга турмушга чиққан эдим. Икки фарзандли бўлгач, бора-бора орамизда мурося йўқола бошлади. Эрим аризмаган барҳона билан бизни онамларникига ҳайдаб юборди. Шундан кейин болалар бор-у-ку, бир инсоф қилиб олиб кетгани келар деб эшикка тикилиб юрдим. Ноинсоф бир марта ҳам келмади. Охири ўтган йили ёзда фуқаролар ишлари бўйича туман судига алимент ундириб беришни сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Лекин суд раиси нуқул хўжайинимнинг ёнини олиб, менга давво аризамни рад этди. Нохайқидан

юрди. Прокурорга фикримни ёзиб кирган эдим, у кишининг аралашуви билан менга ерларимни қайтариб беришди. Прокурор қабули бошланишига санокли дақиқалар қолганди. Турли жойлардан умид билан келган, арз-додини тўлик тушунирта олиш ҳаракатида турган фуқароларнинг ортик вақтини олгим келмади. Шу боис юмушларимни туғатиб, тўппа-тўғри Самарқандга қайтдим. Очик қолган фикрларимга эса вилоят прокуратурасининг тегишли бўлими тақдим этган маълумотномалар асосида ечим топишга ҳаракат қиламан. Ўтган

## ДАРДИНГНИ АЙТ УҚҚАНГА

файли дардданм кўнгилларга қўл солишга уринаман. — Мен Фароғат Намозова, «Шароф Рашидов» ширкат хўжалигида яшайман. Турмуш ўртоғим 2-гурух ногирони, 6 фарзанд билан кун ўтказиш жуда қийин бўлаяпти. Узим далада ишлайман. Арзирини ҳақ беришгани йўқ. Воғга етмаган 4 болаэмиз учун нафақа олиб турардик. Мана, 4 ой бўлаяптики, маҳаллага, дам «Халқ банки» бўлимига қатнаб нафақа пулини ололмаямиз. Охири мажбур бўлдим. — Исминини ёзмайсизми? Бундан ўн йил аввал Бўлаков Собир

тоқатим тоқ бўлган. Шунга... — Менми, шикоят билан келганим йўқ. Шунчаки, прокурорга оиламиз номидан ташақкур айтиб кетмоқчиман. «Достонжон Бердиев» фермер хўжалигида меҳнат қиламиз. «Халқобод» хўжалигига тегишли бўлган вақтинимизда 16,1 гектар еримиз бор эди. Ҳокимиятнинг ер ажратиш комиссияси бунин тасдиқлаган. Кейин ҳоким қарорини рўйхатга олиш бўлимига учраб билсам, қоршда бизга 16,1 гектар ўрнига 10 гектар ер ажратилганлиги қайд этилган экан. Шундан сўнг жаҳлим чиқиб, қўлим ишдан совуб

йили Иштихон туман прокуратурасига 262 нафар фуқаро ариза ва шикоят билан мурожаат қилган бўлса, шундан 133 таси назоратга олиниб, ташкилотларга юборилган. Қолганлари эса ўз вақтида қаноатлантириб келинган. 116 нафар фуқаро шахсан туман прокурори Акмал Имомов ва унинг ёрдамчилари томонидан қабул қилиниб, муаммага ечим топилишига эришилган. 13 та ариза ва шикоят эса иш юритишдаги жиноят иш материалларига қўшиб ўрганиб чиқилган. Масалая Самарқанд вилояти миқёсида ёндашадиган бўлсак, фуқаро-

ларнинг манфаатини химоя қилиш, уларнинг арз-додига ҳозиржавоблик билан ечим топишга эришишда туман прокуратураси ходимларининг ўзига хос ўрни борлиги ана шу қўрсаткичлар тимсолида ақс этиб турибди. Улар меҳнат жамоаларида бўлишиб, ўша ерининг ўзида фуқаролар билан учрашиб, дардини тинглашяпти. Турғи, қонун химоячилари олдида турган вазифалар ниҳоятда серқирра. Аммо маъзур туман прокуратурасининг иш тажрибасидан фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлайдиган ҳар бир идора ходимлари ўрناق олишларини жуда-жуда истардик.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**  
«Ниҳуқ» муҳбири

## JURNALIST SURISHIRUVI

«Тошкент-Бухоро» поезда пойтахтдан соат роса кечки саккизда йўлга чиқди. Ёнимга жойлашган ҳамроҳимни кузатиб чиққан йигит чўнтак телефонида айтётган гапини чала қолдириб, югуриб пастга тушиб кетди. Шу лаҳзада унча катта бўлмаган сумка кўтариб олган бошқа бир йигит купеда пайдо бўлди.

— Бу жой бўшми? — унинг дастлабки саволидан «билетсиз» чиққанлиги маълум бўлди.

— «Проводник» билан келишиб олармиз, — изоҳ берди у жойлашаркан.

Кузатувчи халиги йигит билан «келишиб» олгач, бир-биримиздан хол-аҳвол сўрашиб, сафари-миздан мақсадимизни айта бошладик. Ҳамроҳ аёл нафақада эканлигини, қариндошларники-га кетаётганлигини, йигит эса бизнесмен эканлигини, ота-онаси зиёратига кетаётганлигини айтди. Мен эса, касбим журналистлигини, Олот туманига бир шикоят хатини ўрганиш учун бораётганлигимни тушунтирдим.

# СЕН МЕНГА ТЕГМА, МЕН СЕНГА... ТЕГИНАМАН

## БИЗНИ ҚИЗҚИРТИРГАН САВОЛЛАР

Очиги шикоят хати илова қилинган бош муҳаррир топширигини қўлимга олганимда, хат унчалик ҳам қизиқиб уйғотмади. Лекин шикоятни батафсил ўқиб чиққанымдан сўнг ўзаро чигаллашиб кетган бир неча саволлар хаёлимни чулғаб олди. Ажабланирлиси, шикоят Олот тумани, «Пахтакор» ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро С.Турдиев ва унинг турмуш ўртоғи Қ.Турдиева устидан ёзилган бўлиб, бу ҳаракатлар замирида шикоятчи Мавлон Хусайновнинг шахсий ҳаётига дахл қилувчи жиҳатлар умуман йўқ эди. Одатда аризагина у ёки бу муассасадан, бирон-бир шахсдан адолатсизлик етказилганда мана шундай шикоят хатлари «урчи» бошлайди. Иккинчи ҳолатда эса, бундай мазмундаги шикоят хатлари «ёзувчи»-лиқни ўзига касб қилиб олган шахслар томонидан йўлланганини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам дастлаб шикоят хатини ёзган М.Хусайнов ва Олот туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалигининг собик раиси С.Турдиев орасида қандай «боғлиқлик» борлигини аниқлаб олиш зарур эди. Энди шикоятнинг қисқача мазмунини билан таништиришнинг мавриди келди, чоғи. Келинг, аризангиз ўзидан кўчирма келтира қолайлик:

«Пахтакор» ва «Денов» жамоа хўжалиқларининг собик раиси С.Турдиев узок йиллардан буюн «ажадон» ларига таяниб, уларга пара бериб, ўзининг жиноий ҳаракатларини ёптириб келмоқда ва янги жиноятларини содир қилмоқда. Масалан, турмуш ўртоғи Қўзлархон Турдиевага гайриқонуний равишда сохта паспорт тайёрлатиб, пенсияга чиқариш учун 7 (етти) ёшга катталаштириб, Сирдарё вилояти, Боевут тумани ИИБ-дан 2002 йил 17 февраль кунини 0473501 рақамли сохта паспорт олган. Шу сохта паспорт бўйича қонунсиз равишда 2002 йил 16 майдан бошлаб ҳар ойда 30 минг 462 сўм пенсия ола бошлаган...

...Қалбаки ҳужжатларни тайёрлаш, керакли мансабдор шахсларни «сотиб олиш» режасини Қ.Турдиевнинг турмуш ўртоғи С.Турдиев уюштирган. С.Турдиевнинг олдин

содир этган бир неча жиноий қилмишлари ҳам маълум. У 1995 йилда Туркменистон Республикаси, Лебаб вилояти, Чоржўй тумани, «Пароход» колхозидagi Бобомурод исмли шахс билан келишиб, 198,8 тонна пахтамини Туркменистонга ўтказиб юборган. Урнига Бобомуроддан 9 дона «ГАЗ-52» юк машиналарини ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб келган. Ўз вақтида бу фактлар Бухоро вилояти ҳокимлиги назорат инспекцияси томонидан тўлиқ тасдиқланди, лекин тегишли чора кўрилмади...

Беш варақдан иборат шикоятнинг мазмунини шундан иборат эди. Аризада кескин гаплар билан бирга асосли-асоссиз жумлалар битилганлиги ҳам кўриниб турибди. Шундай бўлса-да унда келтирилган важраларни ўрганиб чиқиш лозим эди. Айниқса, М.Хусайнов ва С.Турдиев ўртасида қандайдир келишимовчилик бўлиши ҳам мумкин-ку деган савол хаёлда чарх уради.

## ЭСКРИПТ БЕЛИШМОВЧИЛИК ВА АНГНАНАЭТГАН КИРАШ

М.Хусайновнинг дастлабки сўзлариданок кўп нарса ойдинлашди:

— Мен «ёзувчиман». Буни ҳеч қачон инкор этмаганман. Атрофимизда бўлаётган ноқонуний ҳаракатларга қўлайдир томошабин бўлиб туришдан кўра бу афзал эмасми? Менинг «Пахтакор» ширкат хўжалигининг собик раиси С.Турдиев билан муносабатларимиз «тарихи» узок. Ўғрилиқ, талон-тарожларга чидай олмайдиган феъллим бизни тўқаштирди.

Кейинги сафар бу ишга «Зафар» фермер хўжалиги раиси Зиёдилла Соатов ва 28-ўрта мактаб директори Н.Сафаровлар ҳам аралашиб қолади. Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг М.Хусайнов, Н.Сафаров, Ш.Адиловларга нисбатан 1998 йил 23 март кунини чиқарган ҳукмида айтилишича, бир гуруҳ ўқитувчилар 1997 йил апрель ойида товланмачилик жиноятини содир этганлар. Ушбу гуруҳ «устиндан ёзмаман» деб кўрқитиб, бир неча мансабдор шахслар — С.Турдиев, З.Соатовлардан пулундиришга ҳаракат қилганлар. Суд материалларида айтилишича, М.Хусайнов С.Турди-

евнинг олдиға таниши М.Тожиёвни юбориб, юз минг сўм берса аввалги шикоят хатларни қайтиб олиши мумкинлигини, бошқа безовта қилмаслигини айтиб шарт қўйган. С.Турдиев бу шартга қўнмаган. Ушбу «келишимовчи» аъзо бўлиб қолган Н.Сафаров, Ш.Адиловлар эса З.Соатовга худди шундай «ультиватум» қўйишди. 1997 йил 2 июнь соат 22 ларда Ш.Адилов З.Соатовнинг уйига бориб, ундан «икки юз минг сўм» пара олган вақтида вилоят ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Суд ҳукмига биноан ушбу жиноий гуруҳ аъзолари Н.Сафаров, Ш.Адиловларга нисбатан қонунга мувофиқ тегишли жазолар белгиланди. Жумладан, М.Хусайнов ҳам ўн икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Шикоятдаги сарлаҳовларга келсак, С.Турдиев ва З.Соатовларнинг ноқонуний ҳаракатлари ҳақиқатан маъжудми?

Афсуски, С.Турдиев ва Қ.Турдиевлар билан сўхбатлашнинг иложи бўлмади. С.Турдиевнинг укаси Р.Турдиевнинг тушунтиришича, биз борган кун С.Турдиев Бухоро шаҳар юрак-қон-томир касалликлари шифохонасига тушган. Қ.Турдиева ҳам шу кун «каттик иситмалаб» бетоб бўлиб қолган экан.

Қўлимиздаги Бухоро вилоят ҳокимлиги назорат инспекциясининг М.Хусайновнинг турмуш ўртоғи Р.Эргашевага 1998 йил 25 августда жўнатган Д-807 рақамли жавоб хатида қуйидаги жумлалар бор:

— Сизнинг ёзган аризангиз вилоят ҳокимлиги назорат инспекцияси мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

Аризада келтирилган далилларнинг аксарият қисми тасдиқланганлиги сабабли, Олот туманидаги «Денов» хўжалиги раиси С.Турдиев «Денов» хўжалиги умумий йиғилишининг қарорига биноан вазифасидан озод қилинди.

Демак, шикоятдаги С.Турдиев ва З.Соатовларга нисбатан келтирилган важралар вақтида нуқта қўйилган. Шунинг учун халқимизнинг «ўтган ишга саловат» деган хикматига амал қилган ҳолда М.Хусайновга бу борада бағрикенглик, кечиримлилик талаб, сафари-

мизнинг асосий мақсадиға қайта-миз.

## СОХТА ПАСПОРТ БИЛАН НАФАҚАГА

Қўлимизда тўпланган ҳужжатларга асосланиб, Қ.Турдиевнинг паспортини алмаштириш жараёнини тиклашга уринамиз. Бухоро вилоят ИИБ ХЧК ва ФБда сақланаётган паспорт берилишига оид «форма-1» ҳужжатига кўрсатилишича, Қ.Турдиевага 1996 йил 14 март кунини СР 0140932 рақамли паспорт берилган. Унда Қ.Турдиева 1959 йил 10 февралда Сирдарё вилояти, Боевут туманида туғилганлиги қайд этилган. Шундай қилиб Қ.Турдиева 2002 йил 11 февралда бошқа жойда доимий яшаш учун Олот тумани ИИБ хисобидан чиқиб кетади. Бу ҳақдаги «форма-7» махсус ҳужжатига фуқаро Сирдарё вилояти, Боевут туманига йўл олганлиги кўрсатилган. Боевут тумани, ИИБ ХЧК ва ФБга келиб, тегишли ҳужжатларни излаганимизда Қ.Турдиевнинг қайси муддатда Боевут тумани хисобига қўйилганлиги ҳақида тегишли келиш варақаси тўлдирилмаганлиги маълум бўлди. Лекин бу ерда Қ.Турдиевнинг 1 март 2002 йилда (21 кундан сўнг) доимий яшаш учун Олот туманига йўл олганлигини маълум қилувчи 410 025 22870030 рақамли — шахсининг бошқа манзилга кетиши ҳақидаги «форма-7» ҳужжат топилди. Хаммасидан қизиқарлиси, ушбу ҳужжатда Қ.Турдиева 1952 йил 10 февралда Сирдарё вилояти, Боевут туманида туғилганлиги маълум бўлади. Боевут туманида туғилганлиги маълум қилинади. Шунингдек, СС 0478501 рақамли паспорт Қ.Турдиевага Боевут тумани, ИИБ томонидан 2002 йил 17 февралда беришганлиги маълум бўлади. Боевут тумани ИИБ ХЧК ва ФБ бошлиғи Ш.Турдумовнинг томонидан 433/27.02.2004 йилда берилган маълумотмадан баъзи нарсалар аниқ бўлди. Хусусан, Қ.Турдиевага 2002 йил 17 февралда берилган «паспорт берилишига оид ариза» (форма-1) ҳужжат тўлдирилмаган. Олотдан Боевутга рўйхатга қўйиш варақаси тўлдирилмасдан (тўғрироғи рўйхатга қўйилмасдан)

янги паспорт беришга асос бўлувчи ҳужжатларсиз Қ.Турдиевага паспорт бериб юборилган. Бизнинг назаримизда фуқаро Қ.Турдиевнинг туғилган йилини аниқ белгилувчи ҳужжат фақатгина Боевут тумани ФХДБ бўлимида сақланаётган бўлиши мумкин эди. Тахмин тўғри чиқди. Боевут тумани ФХДБ бўлимининг 2004 йил 27 февралдаги маълумотномасига асосан Қ.Турдиева 1957 йил 10 февралда Боевут тумани, 3-Боевут хўжалигида туғилган. Бу ҳақда 1957 йил 11 март кунини №51 рақам билан ҳужжатлар тўлдирилган. Ҳаммасидан қизиғи, Қ.Турдиевнинг онаси Ш.Султонова 1952 йил 13 сентябрда туғилганлиги ушбу ҳужжатдан маълум бўлди. Қ.Турдиева паспортдаги туғилган йили муддатини сохталаштириш йўли билан биринчидан, нафақага беш йил илгари чиқишга муваффақ бўлган, иккинчидан, ўзидан беш ёш катта онасидан «саккиз ойга» ўзиб, онани қонуний равишда «сингилга» айлантирган. Нафақани олиш учун сохта паспорт тўғрилганлигини қуйидаги маълумот ҳам кўрсатиб турибди.

Олот тумани ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган (11 март 2004 й.) 616-маълумотномада кўрсатилишича, Қ.Турдиева томонидан нафақа тайинлаш ҳақида 2002 йил 24 апрелда ариза тушган. 2002 йил 16 майдан бошлаб ёшга доир қарилк пенсияси тайинланган. Дастлаб Қ.Турдиева 22092,0 сўм пенсия олдирди бўлса, ҳозирда 30464 сўм миқдорда пенсия олиб келмоқда.

Хизмат сафаридан қайтарканман, яна бир нақл едга тушди. «Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака учди». Жанжал, низо қандай пайдо бўлади? Қаердадир, қачондир адолат деб аталмиш чегаралардан четга оғиб бўлганида. Бинобарин, ҳар ким ўз виждонига содиқ қолганида эди, адолатсизлик ҳам етилиб чиқмасди.

Юқоридаги фикрларимизга хотима сар эканмиз, ҳар нечук қарамономларимизга пок виждон тилашдан ўзга чорамиз йўқ.

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ,  
«Ниҳуқ» муҳбири

## JARAYON

Мустақиллик йиллари ҳарбий соҳада туабилхотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Президентининг 1992 йил 28 февралдаги фармониға асосан Қуроли кўчлар ҳарбий прокуратурасининг ташкил этилиши ва 1993 йил 13 май кунини Республика Бош прокуратури томонидан «Қуроли кўчлар ҳарбий прокуратураси тўғрисида»ги низомнинг тасдиқланиши билан тизимда ўзгаришлар рўй берди.

1999 йилда Қуроли кўчлар тизимида кенг қўламли ислохотлар ўтказилди. Жумладан, қўшинларнинг қайта жойлаштирилиши ва янги ҳарбий округларнинг тузилиши муносабати

билан Ўзбекистон Президентининг 1999 йил 31 мартдаги фармониға асосан таркибида худудий ва округ ҳарбий прокуратураларини биравлаштирган, Республика Бош прокуратура раҳбарлик қиладиган Ўзбекистон ҳарбий прокуратураси қайтадан ташкил этилди.

2001 йил 29 августда «Прокуратура тўғри-

шилаш ва ривожлантириш учун саъй-ҳаракатларнинг кичик тарихи.

Қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган бу ислохотлар туфайли ҳарбий хизматга боришни, ватан олдидаги бурчинини ўташни фахр деб биладиган ёшлар сони ортди. Илгари ота-оналар фарзандини ҳар-

## ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

сид»-ги Қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши Ҳарбий прокуратура тўғрисида янги низом амалга киритилишиға сабаб бўлди. Бу муҳим ҳужжат прокуратура органлари олдиға қўйилган вазифалардан келиб чиққан бир қатор янгиликларни ўзида мужассам этган ҳолда қабул қилинган эди. Мана, биргина ҳарбий прокуратуралар фаолиятини ях-

бий хизматдан олиб қолиш учун интилган бўлса, бугун ҳар бир оила ўғлининг аскар бўлишини оруз қилади. Бу албатта, ҳарбий қисмларда тартиб-интизом кучайтирилганлиги, ҳуқуқбузарликнинг олди олинаётганлиги, ҳарбий хизматчиларга етарли шaroит яратиб берилаётганлиги туфайлидир.

Хусусан, округ ҳарбий прокуратура орган-

лари томонидан ҳарбий хизматчилар ва бошқа фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланаётгани, Қуроли кўчлар манфаатига етказилган зарар айбдорлардан ундириллаётгани, округ ҳарбий прокуратураси ходимлари томонидан ҳарбий хизматчилар ўртасида профилактик тадбирлар ўтказилиши аскарларнинг ҳуқуқий билим ва маданияти ошишиға хизмат қилмоқда. Зеро, ҳуқуқини англаган инсон жиноятга қўл урмайди, ўз ҳуқуқи топталишиға ҳам йўл қўймайди.

Миллий армиямизни тақомиллаштириш учун ҳар соат, ҳар дақиқада улкан ишлар қилинмоқда. Эп оқошталлиги йўлида қилинаётган бундай ишлар истиқлоқ самарасидир.

Фарҳод ОМОНОВ,  
Жануби-Фарбий алоҳида ҳарбий округ  
ҳарбий прокуратури,  
адлия подполковниги

QUMLIKDAGI UY

Экин экилмайдиған қумли ерда олти хонали уй-жой куриб, турмуш уртоғим ва икки фарзандим билан яшаб келмоқдамиз. Лекин мен шу иморатга эгаллик қилолмайман, сабаби мазкур ерда уй-жой куриш учун тегишли хужжатларга эга эмасман. Тегишли органларнинг бу ҳақда қарори қабул қилинмаган. Курилган иморатга эгаллик қилишим учун нима қилишим ва қаерга мурожаат этишим лозим?

M.BEKCHONOV, To'rtko'l tumani «Ullibog'» shirkat xo'jaligi

Er umummilliy bo'layk b'ulib, uni mahalliy hokimiyat organlarining ruqsatsiz egallab olish qonunga xilofdir. Bunday usul bilan era egalik qilish, Er kodeksining 91-moddasiga muvofiq, teshishi tuman, shahar, viloyat hokimining qarori e'ki sudning hal qiluv qaroriga k'ura olib k'uyilishi mumkin. Bu kabi xolatingiz oldini olish maqsadida, turar-joyga muhtojligingizni bildirib, mazkur foydalanilmagan erni sizga imorat kurish uchun er uchasikasi sifatida ажратиб беришни с'ураб туман hokimiyatiga мурожаат этишингиз лозим.

NASIYAGA BERAMAN, AMMO...

Мен якка тартибда тadbirkorlik билан шуғулланаман. Кўпинча тавakkal қилишга тўғри келади. Баъзан шундай бўладики, айрим ишончли шахсларга пулини кейинроқ тўлаш шarti билан ишлаб чиқарган махсулотиمنى насияга бериб юбораман. Ҳозирча бу борада муаммо келиб чиққанча йўқ, лекин пулни тўлаш вақти шартномада кўрсатилмаган бўлса ва товар сотиб олувчи уни беришни пайсалга соладиган бўлса, мен истаган пайтда пулни талаб қилиб олишга ҳақли бўламанми? Қонун буйича бу қандай бўлади?

Zokir MUSAYEV, Toshkent viloyati Zangiota tumani

Qonun b'uyicha bu nasiyaga sotilgan tovar haqini талаб қилиш дейилади. Яъни, агар олди-сотиб шартномасида олдинг махсулот haqini тўлаш мuddati кўрсатилмаган бўлса, Фуқаролик кодексининг 242-мoddasiga к'ура, сиз махсулот топириганидан с'унг истаган вақтда талаб қилишга ҳақлисиз. Махсулот олувчи эса бундай талаб билдирилганидан с'унг етти кун ичида уни бажариши шарт.

TELEFON HAQI

Чет эл фильмларида махкумлар ўз ақинлари, ўртоқлари билан ўша қамқонхонадаги телефон орқали бемалол сўзлашиб, мулоқот қила олади. Ўзбекистонда ҳам махкумларга телефон орқали сўзлашиш ҳуқуқи берилганми?

X.ORTIQOVA, Qo'qon shahri

Ўзбекистонда ҳам озодликдан махрум этилган шахсларга телефон орқали сўзлашиш ҳуқуқи берилади. Бундай сўзлашувлар жазони ижро этиш маъсусаси маъмуриятининг назорати остида ўтказилади ва сўзлашув учун махкумнинг шахсий ҳисоб varaгидан тегишли равишда ҳақ тўланади.

Сўзлашувлар миқдори эса мазкур муассасанинг тартиб турига ҳамда махкум сақланаётган шaroитга қараб белгиланади (ЖИҚнинг 77-мoddasi).

SHIKOYATNI YUBORSAM...

Мен телевидениега бузилган ҳуқуқларимни тиклашда ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилган эдим. Лекин нима учундир шикоятим ҳал этиш учун туман ҳокимиятига юборилди. Шундай қилиш мумкинми? Агар мумкин бўлса, унда ёзган шикоятимга қанча вақтда жавоб берилиши керак?

Zarifa JO'RAYEVA, Tashkent shahri

Оммавий ахборот воситаси тахририяти орқали келиб тушган ариза юзасидан уни мохиятан ҳал этишга юборилган орган бир ой ичида жавоб бериши лозим.

Мурожаатини кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ва бошқа шу каби чора-тадбирлар куриш зарур бўлган ҳалларда, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» Қонуннинг 18-мoddasi талабига к'ура, уни к'уриб чиқиш мuddati истисно тариқасида узoғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин. Бу ҳақда сизга қўшимча равишда маълум қилиниши керак.

«НУҚУҚ» ИЙ
маслаҳатхона
E-mail: Info@huquq.uz
133-26-62, 133-98-82

PUL QAYTARIB BERILADIMI?

«Ўзсаноатқурилиш» банкида омонатим бор. Агар пул алмашса ёки банк банкрот деб эълон қилинса, менинг маблағимни қайтаришга кафолат борми?

Saida SARIBOYEVA, Tashkent shahri Yakkasaroy tumani

Банкнинг банкрот деб эълон қилиниши фақат ундан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини беришчи лицензия Марказий банк томонидан қайтариб олинганидан с'унгина амалга оширилади. Агар банк тўловога қобилиятсиз деб топилса, миջозларнинг омонати Фуқароларнинг банклардаги омонатини кафолатлаш фонди ҳисобидан қопланади. Пул ўзгарган тақдирда эса, маблағлар мамлакат ҳукумати белгиланган тартибда индексация қилинади.

BANK KAFOLAT BERADIMI?

Бугунги кунда жуда кўп банклар аҳолининг омонатларини жалб қилиш учун рекламага зўр берапти. Лекин омонатларнинг кафолати тўғрисида негадир кам гапиришади. Масалан, бир киши ўз мулкни сотиб, юқори фoиз ҳисобига банка 10.000.000 сўм пул қўйса, маълум мuddат ўтгач, унинг пули ойлик фoизлари билан 20.000.000 сўмга етса, омонатчи мана шу пулни бирдан олишни истаб қолса, банклар нақд пул билан таъминлай оладими? Агар банк нақд пул етишмаслигини баҳона қилиб, омонатни қайтаришни пайсалга солса, омонатчи қаерга мурожаат қилиши керак? A.FOZILOV, Q.NORBOYEV, Jizzax viloyati G'allaorol tumani

Авалло банк билан бундай муносабатга киришишдан олдин банк тақдирга таътибган хизматнинг ҳуқуқий кафолатига, с'унгра у билан тузилган шартнома шартларига эътибор бериш лозим. Агар шартномада банк миჯозга унинг пулини с'ураган вақтда ёки шартнома мuddати тугаши билан бериши назарда тутилган бўлса-ю, лекин миჯознинг бу талаби ассосиз равишда қанолатинрилмаса, б'уни суд орқали ҳал этиш лозим.

Yengilroq joy

Турмуш ўртоғим 2001 йилнинг октябрь ойида суд ҳукми билан озодликдан махрум этилган эди. 2003 йилнинг декабрь ойида эса уни манзил колониясига ўтказишди. Айтишларича, бу енгилроқ жой эмиш. Шунинг учун унга бу ерда олиниши билан тез-тез учрашишга имкон беришадими?

O.MUQIMOVA, Farg'ona shahri

Амалдаги ЖИҚнинг 114-мoddasiga к'ура, манзил колонияларида жазо ўтаётган махкумлар чекланмаган миқдорда уршуво олиш ҳуқуқига эга. Лекин уршуволар ишдан б'уш вақтда берилади. Шунингдек, уршуво махкумининг илтимоси билан манзил колониясидан ташқарида ўтказилиши ҳам мумкин.

QO'SHNI XONADONDAGI ISHLAR

Бизга қўшни хонадонда бир эр-хотин икки фарзанди билан яшар эди. Ота-она ичкиликка берилиб, охири пайтларда болаларига умуман қарамай қўйишгани боис, суд уларни ота-оналик ҳуқуқидан махрум этди. Болалар эса интернатга топширилди. Саволим шундайки, қонун буйича ота-она ўртасидаги ниҳоқ бекор қилинганда болалар таъминоти учун улардан алимент ундирилади. Агар юқоридagi ҳолат туфайли болалар ота-онасидан махрум бўлса, уларга алиментни ким тўлайди? Ёки болалар интернатга жойлаштирилганлиги учун ота-она алимент тўламайди?

Zafar KAMOLOV, Tashkent shahri Chilonzor tumani 20-mavze

Вояга етмаган болалар ота-онасидан олиниб, тарбия муассасасига жойлаштириладиган бўлса, суд бу тўғрисида қарор қабул қилишда Оила кодексининг 107-мoddasiga мувофиқ ота-онанинг ҳар б'иридан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириши мумкин. Ундириладиган алимент пули эса болалар жойлаштирилган тарбия муассасасига хизмат кўрсатадиган банкда уларнинг номига очилган махсуе ҳисоб varaгига ўтказиб бoрилади.

NANOTKI, SHUNCHA PUL KERAK?

Якин бир ўртоғим билан 2002 йилнинг февраль ойида масулияти чекланган жамият очган эдик. Ҳозир ишларимиз ривожланиб, келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш, яъни акциядорлик жамияти очиш тўғрисидаги режа устида иш олиб бoраямиз. Бир ҳуқуқшунос билан шу ҳақда маслаҳатлашганимизда акциядорлик жамияти ташкил этиш учун 50.000.000 сўм бўлиши керак деб айтди. Шу тўғрими?

T.NARIMONOV, Tashkent shahri Chilonzor tumani

Бу сиз ташкил этмоқчи бўлган акциядорлик жамиятининг турига боғлиқ. Яъни, агар сиз очиқ турдаги акциядорлик жамияти ташкил этмоқчи бўлсангиз, унда ушбу жамиятининг низом жамгармаси у давлат рўйхатидан ўтган пайтда Марказий банк курси буйича 50.000 АҚШ долларига тенге суммадан кам бўлмаслиги, ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг низом жамгармаси эса у давлат рўйхатидан ўтган вақтда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки оз бараваридан кам бўлмаслиги керак.

FARQI NIMADA?

Мен тadbirkorlik билан шуғулланаман. Яқинда бошқа шериклар билан каттароқ миқдорда махсулот оломқчи бўлиб шартнома туздик. Лекин айни пайтда олинаётган махсулот пулини бирйўла тўлаш имконига эга эмаслигимиз боис, етмаётган қисмини кейинроқ тўлашга келишдик. Бунинг кафолати сифатида эса ўзим яшаб турган тумандаги биномни гаровга қўйишга ва б'уни тасдиқлаш учун нотариал идорага бордик. Аммо нотариус тасдиқлаб бермади. Сабаби, б'уни мен яшаб турган жойдаги нотариус тасдиқлаши керак эмиш. Мен яшаб турган жой билан шартнома тузаётган жой 700 км. узоқликда жойлашган. Шунинг учун нотариал идора қаерда жойлашганидан қатъи назар гаров мулкни тасдиқлаб беришида нима фарқ бор?

Z.TURDIYEV, Xatirchi tumani

Бунинг фарқи шундаки, «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 44-мoddasiga к'ура, уй-жой (уй-жойнинг бир қисми), квартира, дала ҳовли, боғ ҳовли, гаражи, бошқа биноми, иморатни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш хусусидаги битимлар шу мол-мулк жойлашган ҳудудда тасдиқланади.

YORDAMGA MUHTOJ BO'LSA...

Амалдаги қонунга кўра, ота-она ўз фарзандига вояга етгунига қадар алимент тўлаши шарт деб белгиланган. Лекин бола вояга етса ҳам соғлиги ёмонлиги ёки инвалидлиги туфайли бирор даромад келтирадиган иш билан шуғуллана олмаса, унинг ота-онаси болани ўз ҳoлига ташлаб қўйишга ҳақлими?

O.IMOMOVA, Qashqadaryo viloyati Kasbi tumani

Агар фарзанд вояга етган бўлса-да, лекин руҳий, жисмоний ёки бошқа сабаб туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлиб, ёрдамга муҳтож бўлса, ота-она унга таъминот бериши шарт. Бундай фарзандга таъминот бериш ота-она томонидан ихтиёрий равишда амалга оширилмаса, бу масала суд тартибида ҳал этилади.

Агар бундай боланинг ота-онаси йўқ бўлса, Оила кодексининг 108-мoddasi талабига к'ура, у бундай таъминотни ўз қариндошларидан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёҳуд бошқа маблағлар, шу жумладан:

- меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинadиган даромадлар;
- жисмоний шахсларнинг мулкий даромади;
- жисмоний шахсларнинг тadbirkorlik фаолиятидан келadиган яли даромад қиради.

(Soliq kodeksining 48- moddasi)

## BIR JINOYAT TAFSILOTI

Муборак Куръони каримда Рамазон ойи муқаддас саналиб, мусулмон оламида раҳм-шафқат, хайр-эхсон кунлари сифатида қадрланиб келинади. Ой давомида етим-есирлар, беморлар ҳолидан хабар олиш, уларга эҳсонлар улашиш ота-боболаримиздан қолган яхши хислатлардан. Бировнинг дилини оғритиш, ўзганинг ҳаққига хиёнат қилиш, ҳатто қаттиқ гапириш қораланган. Афсуски орамизда шундай инсонлар борки, туппа-тузук оилада униб-ўсган бўлсаларда, уларнинг бу қадар бағри-тош бўлиб кетишганига ақл бовар қилмайди. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган «учлик»нинг қилмишлари ҳам айнан Рамазон ойига тўғри келади.

... Чилонзор туманида жойлашган «Империл» тунги диско клуби ёш-ялангар билан тўлиб-тошган. Ярим қоронги каталакдек хона сигарет тутуни билан қопланган. Овози қулоқни қоматга келтирадиган чет эл мусикасига йигит-қизлар рақс тушишмоқда. Улар орасидан сирғалиб чиққан Жамолиддин четроқдаги столда кайфи зўрлигидан бошини кўтаролмай ўтирган Зухриддиннинг ёнига чўкди.

Жамолиддин хансирлаганча, шиадошини туртди.

— Зухр, менга қара, бугун жуда эривординг. Яримта «оқи» етарди, коньякинг ортиқча бўлди. Ҳа! Лекин қойилман сенга! Ҳаққий дўстимсан-да, ўзи. Ҳа! Ҳеч ким менга бунақа эрмаган. Кел, бир ўпиб қўй. Лекин пулни қаердан олаёсан, ишламасан?

Зухриддинга синфдошининг охириги гапи бироз оғир ботган бўлса ҳам ўзини тутди. Бошини араг кўтариб, кўявер дегандай Жамолиддиннинг елкасига қоқиб қўйди:

— Сен ҳам менга шерик бўлсанг, ана ундан кейин пичоғимиз мой устида бўлишини кўрасан, — деди стакан тағида қолган коньякини охирига симириб. — Қулоқ сол, бир режам бор. Лекин менинг буйруғим билан иш қилсан! — Зухриддин Жамолиддиннинг бошини ўзига тортиб узук-юзук режани тушунтира бошлади.

Вақт алламоҳал бўлганлигига қарамай ҳамтовокларнинг суҳбати тугамасди. Зухриддин эринибгина қўл соатига қаради. Соат миллари 22 га яқинлашиб қолган.

— Вақт бўлди! — деди Зухриддин гандирақлаб тураркан.

Икки дўст бир-бирини суяб кўчага чиққанида машина катнови анча камайганди. Ҳаво совуқ, осмонни қора булут қоплаган. Ой ҳам, юлдузлар ҳам кўринмасди. Тўхтаган тўрт машинанинг биронтаси ҳам уларга ёқмади. Катта кўча бўйлаб бироз юришган, ёнларига Бахтиёр Клевлев бошқарувидаги куларан «Нексис» келиб тўхтади. Бу айни мудоао эди. Зухриддин ўзини вазмин тутишга ҳаракат қилиб, олд эшикни очди.

— Кечирасан дўстим, бизни Зангиота туманидаги «Иттифоқ» ширкат ҳўжалиги марказига олиб бериб қўйсанг. Айтганингни берамиз.

Йўловчилар анча тортишувдан кейин 5 мингта рози бўлишиб, ўзларини машина ичига уришди. Салон ичини бир зумда бадбўй ҳид қоплади. Рус ва ўзбек тилларида бемалол гаплаша оладиган Бахтиёр йигитлар билан суҳбатлашиб борарди.

Назарбек қўриғидан ўтилган, кишлоқ йўллари бошланди. Бироздан кейин «Иттифоқ» ширкат ҳўжалиги маркази ҳам ортда қолди. Машина шитоб билан олдинга интилар, «клиентлар» кўрсатиб бораётган манзил ниҳоясига етмасди.

Бахтиёр нимаданкирив безовталанар, шунча йўлга рози бўлганидан пушаймон эди. Ҳа, унда турмуш ўртоғи Рамляга кўтиб ўтирганини эслаб яна сиқилди. Боягина отаси Рафкат аканинг ўйидан хотинига «ярим соатларда етиб бораман» деген телефон қилганидиган ҳам афсусланиб кетди. Нима қилсин, вақтинча ишла-маётганлиги учун отасининг номидаги мана шу машинада «тирикчи-

лашган икки барзанги энди оёқларини ишга солиб, ночор аҳволда ётган Бахтиёрни дун келган жойига тепишарди. Калтак зарбидан батамом ҳушидан кетган Бахтиёр охири кимирламай қолди. Бунга ҳам қоник-мама қотиллар ниятларини охирига етказиш мақсадида жонсиз тана бўйнига сим сиртмоқ солиб бўғишди.

— Тамом, — деди Зухриддин тупроққа қоршииб ётган Бахтиёрни оёғи билан ағдариб қўриб.

Шундай қилиб уларнинг таъма-тирлик, ўзганинг мол-мулкни таллон-тарож қилиш мақсадида зўрлик ишлатиб, қасддан одам ўлдириш режалари яқун тоғди. Эндигина 33 баҳорни қаршилаш арафасида турган Бахтиёр Клевлев ҳаётдан қўз

Бахтиёрнинг яқинлари учун ташриш кунларнинг чеки йўқдек кўринарди. Ҳа, деганда калаванинг учини топилмасди.

\* \* \*

Жиноий гуруҳ аъзолари машинани бўлақларга ажратиб бўлишди. Айрим қисмлар «Фарход» бозоридан арзон гаровга сотиб юборилди. Машина ҳужжатлари ва Бахтиёрнинг ҳайдовчилик гувоҳнома-си ёқиб юборилди. Жиноят изларини батамом йўқ қилиш мақсадида қотиллар «яланғоч» қолган кузовни автоген ёрдамида майдалаб қўйиб ташладилар...

\* \* \*

Уюшган жиноий гуруҳга раҳбар-

таниш ҳовлида тўпланишди...

\* \* \*

Орадаги жимликни бу сафар Жамолиддин бузди.

— Сувдан чиқариб, қўйиб юбор-сак-чи?

— Йўқ бўлмайди, — деди Зухриддин қатъий оҳангда. — Чукчурроқ кўмолмасак дайди итлар қовлаб ташлаши мумкин, кейин атрофга хиди тарқаб кетади. Яхшиси бўлақларга бўлиб, қайта сувга оқибди юборамиз. Чириб, йўқ бўлиб кетади.

Санжарнинг бадани жимирлаб кетди. Гўё Бахтиёр тирилиб, унинг ёқасидан олаётганкед қаддам орқага тисарилганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Турларинг! Бошқа йўли йўқ!  
— Зухриддин жовдираб турган Жамолиддинга қаради:

— Қулоқ сол, аввало ҳеч ким билмасин, бизнинг уйга орқа томондан кириб молхона ёнидаги бос-тирмадан белқурак билан болтани олиб келсан. Қайтишда уйнигдан гугурт олиш эсиндан чикмасин, — деб тайинлади.

Бироздан кейин каналнинг нариги томонида уч шарпа кўринди. Зухриддиннинг қўлидаги белқурак зарб билан жонсиз танана келиб урилди. Бу дам Санжар ўн қадамча наридаги тепаликда пойлоқчилик қилар, Жамолиддин эса Зухриддинга ёрдамлашарди.

Одам қиёфасини йўқотганлар кўп ўтмай, жонсиз танани бўлақларга бўлиб, каналнинг ҳар еридан сувга улқотиришди...

Ҳеч бир жиноят исзис бўлмаганидек, бу вахшийлик ҳам йигирма уч кун деганда сув бетидан яна ўзини намён қилди...

Прокуратура ходимлари, ИИБ теозор вакилларининг кеча-кундуз олиб борган тинимсиз меҳнатлари туфайли жиноят тез кунда фаш этилди. Инкор қилиб бўлмас далиллар, ўнлаб гувоҳларнинг кўрсатмалари олдига лом-мим деймай қолган жиноятчилар айбларини бўйниларига олмасликнинг иложини топа олмадилар.

Кўза синиб бўлгандан кейин турли баҳоналар ахтариб, темир панжара ортда қилишлари учун жавоб бераётган, фарзандларини оқламоқчи бўлаётган ота-оналарнинг важарини ким эшитишди? Нера улар бу ҳақда илгарироқ уйлашмаган?

Фарзандларининг қадам босишлари, қолаверса, майдалаб ташланган машина қисмларини у уйдан-бу уйга ташмалаб юришганини наҳот биронта кўни-қўшни кўрмади? Кўришган! Лоқайдлик, бепарволик уларнинг кўзларига парда торган, ўшанда. Биргина одамнинг озгина эътибори фожиа йўлига қалқон бўлиши мумкин эди-ку! Лекин, афсус энди кеч.

Хукм ўқилди, жиноятга жазо муқаррарлиги яна бир қарра ўз исботи тоғди.

**Баҳром ТОШТЕМИРОВ,**  
Республика Бош  
прокуратурасининг бошқарма  
прокурори.  
Наврўза ЛУТФУЛЛАЕВА,  
«Ниҳуқ» муҳбири



лик» қилиб, оиласини боқмаса бўлмас.

Ниҳоят узоқдан қишлоқ уйларидаги чироқлар кўринди.

— Ҳали борми? — деб сўради Бахтиёр ёнидаги ўриндиққа ёнбошлаб олган Зухриддиндан.

Бу вақтда икки дўстнинг кайфи анча тарқанган, дам-бадам бир-бирини сирли қараб қўйишарди.

Орқа ўриндиқда ўтирган Жамолиддин:

— Ака, ўнга бурилиб, мачитга етмасдан тўхтайсиз, — деди шериги Зухриддиннинг елкасига икки марта уриб. Бу ҳаракат ўзига яраша «белги» бўлиб, режага асосан, «жанжални сен бошлайсан» дегани эди. Бахтиёр ён ҳовлидан тушиб турган хира чироқ нурида Зухриддин берган пулни санаб кўрди-да, йигитларга қараб:

— Укалар, бу қира ҳақининг ярми-ку, 5 мингта келишувдик ахир, қолганини ҳам берингла, — деди.

— Бормиз шу! Агар кўнмасанг уни ҳам қайтариб оламиз, — деди Жамолиддин Бахтиёрнинг асабини бузиш учун. Аксига олиб атрофда ҳеч ким кўринмас, борлик борган сари қоронғилик қаърига сингиб бораётгандек эди.

— Нимага қаққайиб турибсан, кетавермайсанми ёки... Бу сўтак гапга тушунмайди чоғи, — деди Зухриддин Бахтиёрнинг ёқасига ёпишиб.

Қира ҳақ қамлигидан асабийлашиб турган Бахтиёрга бу ҳақорат ортиқчалик қилди. Икки ўртада муштлашув бошланди. Бахтиёр спорт билан шуғулланган бўлса ҳам ҳозир рўпарасида «оч бўридай» тишини гичирлатиб турган икки гумроҳга кучи етмаслиги аниқ эди. Қочиб, биронта хонадон эшигини тақиллатишга гурури йўл қўймади.

Бахтиёр улар билан кучи етганида олишиб кўрди. Лекин юз-қўзига, қорнига кетма-кет тушаётган зарбалар уни ерга қулатди. Вахший-

юмди...

1984 йилда туғилган, Тошкент вилояти, Зангиота туманида яшовчи Ж.Азимов билан бир маҳаллада яшовчи З.Г.Аппаровлар олдига навбатдаги юмуш: жасадни йўқ қилиб, машинани бўлақларга бўлиб сотиш турарди.

Бу ишларни икки киши амалга ошириши мушкул эди. Улар маслаҳатни бир жойга қўйиб ҳамқишлоқлари, ўзлари каби гирт бекорчи Санжар Удукбаевни жиноий шерик қилиб олишди.

Шу тун уч ўртоқ машинани ҳайдаб қишлоқ четигади Б.Абдуллаевага қарашли қурилиши тугалланмаган ҳовлига олиб кириб яширдилар.

Бахтиёрнинг жасадини тош солинган қолга жойлаб «Шўрроқ» қаналига чўктириб юбордилар...

\* \* \*

Кунлар кетидан кунлар ўтар, отасининг ўйидан машинасини ҳайдаб чиқиб кетган Бахтиёрдан дарак йўқ эди. Қариндош-уруғлар бир ҳафтадан кейин Шайхонтоҳур туман ИИБ-га ариза беришга қарор қилдилар.

**Қадим замонда бир деҳқоннинг икки ўғли ва икки қизи бўлиб улар ҳалол меҳнат орқасидан тинч-тотув яшашар экан. Қишлоқдошлари ичда унинг обрўсини баланд қилган хислат, деҳқончилик сир-асрорларини яхши билишдан ташқари, меҳр-оқибатли, қатта-кичкин бирдек ҳурмат қилиши экан. Фарзандлари улғайган сари оиланинг муаммолари ҳам ортиб борибди. Эр-хотин ўртасидаги осонгина ҳал қилиниши мумкин бўладиган муаммолар ҳам мураккаблашиб, оилада нотинчлик юзага кела бошлабди. Деҳқон қоронғу тушгунча далада булганлиги учун болалар тарбияси она зиммасида экан. Шу сабаб кўп келишмовчиликлар она фойдасига ҳал қилинар эди. Бир кун кечга томон эшик тақиллабди. Катта ўғил чиқиб қараса оstonада уч киши турганмиш. Улардан бири «Деҳқон бобонинг ўйлари шуми?» деб сўрабди. «Ҳа», деб жавоб берибди ўғил. — Отангизни меҳмондўст, оқибатли инсон деб эшитиб**

келдик. Бир кечага жой керак эди, — дея иккинчисини гап бошлабди.

— Кимсизлар? Отамга нима деб айтди? — сўрабди ўғил уларга бир-бир қараб.

— Менинг исмиим Соғлик, дўстларимдан бири Бойлик, иккинчисини Тинчлик, — деб таништирибди учинчи меҳмон.

**Ривож**

Меҳмон ҳеч нарсага тушунмай елка қисиб, ичкарига кириб кетибди. Бир оздан кейин идиш-товоқ синиб, эшикдан отилиб чиққан хонадоннинг олапар ити ўзини катта кўчага урибди.

Бу сафар ҳам «ютқизган» деҳқон меҳмонлардан узр сўраш учун ташқарига чиқса, эшик тағида ҳеч ким кўринмади. Шундай қилиб нотинчлиги туфайли Ҳизр алайҳиссалом бўлиб келган уч неъматдан оила бебаҳра қолган экан. Шунга бўлса керак, ота-боболаримиз: «Бир кун жанжал чиққан уйдан 40 кун барака кетади» деб бекорга айтишмаган экан.

SAVOHAT



Муҳаммад ИСМОИЛ

## Ҳиндустондан хат

**Салом Гулрухсор!**

Сизга «Салом» сўзини ёзаялману, латофат ва назокатга, ибo ва меҳру муҳаббатга, бахту саодат сармастлигига тўла биллур жарангидай жилоланиб сачровчи «Ассалому алайкум» деган ёқимли жавобингиз эшитилиб кетди. Бу ерда ашовчи 250 млн. муулмонларнинг ҳаммаси кўришганингизда, албатта шу сўзни хиндча талаффузда айтади. Ҳарқалай ёқимли, худди ўзбекча сўз эшитгандай гурурланиб кетаман. Бу сўз беихтиёр дилимизни гоийбона боғлаб қўяди.

Бир кун, Дехли шаҳридаги Жомье масжидда 500 мингга яқин одам жума намозини ўқиш учун йиғилди. Бомбейда яшаса-да, Дехлига, балки бирор тадбир билан келган Шохруҳонни бир тўда тан қўриқчилари билан кўриб қолдим. Одатда, намоз ўқиб бўлингандан кейин бир-бирини таниган-танимаган муулмонлар кучок очиб, елка текказиб салом-алиқ қиладилар. Мен ҳам Шохруҳон билан кўришишга отилдим ва ундан «Ассалому алайкум» сўзини эшитиб, қанчалик қувонганимни билсаядинг.

Сенга Шохруҳон ҳақида гапирганимнинг уни бир сабаби, уни яхши кўришининг биламан. Айниқса, «Девдас» фильми сенга жуда ёқадди. Лекин менинг ҳозирги ҳолатим ҳам «Девдас» сўнггидаги Шохруҳоннинг ҳолатидан ҳам эмас. Кеча-ю кундуз сендан хавотирдаман. Сени лаҳзанинг ҳар бир сониясида минг бор ўйлайман. Мен бу ерга ўқиш учун тўққиз ойга келган бўлсам, энди олти ойи ўтди. Шу олти ой ичида неча бор ўйлаганимни ҳисоблаб кўр. Хавотирим эса тобора ортиб бормоқда. Борганимча сени узатиб юборишмасмикан?! Мени кузатишга чиққанингиз:

— Кузда кетиб, баҳорда келаркансиз-да! — дегандинг.

— Менинг ҳаётимда ҳам баҳор бошланадими? — дея савол билан жавоб қайтарганимда: — Қайтганингизда айтаман! — дединг. Шу билан бир тўхтамаг келмай хайрлашгандик. Биламан, сен ҳали бизнинг муносабатларимиз ҳақида жиддий ўйлаб кўрганинг йўқ. Бирор бир тўхтамаг келмаганисан. Ёлғизлик нима эканлигини билмайсан. Доимо дўстларинг, дугоналаринг кўршувдасан.

Мен эса, улуг хинд шоири, 1913 йил Осиеда биринчи бўлиб Нобель мукофоти олган Робиндранат Тагор шеърларини кўп ўқийдиган бўлиб қолдим. Айниқса, унинг ёлғизлик ҳақидаги шеърлари юрагимга малҳамдай қуюлади. Худди дардларимни айтаётгандай «дод» деб юбора-

ман. Ниҳоят бу ҳамдардлик мени Робиндранат Тагор яшаб, ижод этган Шантиникетон қишлоғига етаклади.

Тагор 1861 йил Калькутта шаҳрида зодагонлар оиласида таваллуд топган. Етти ёшидан шеърлар ёза бошлади. Йигирма икки ёшида ўн икки ёшли кизга уйланади. Қирқ ёшида хотини вафот этгач, умрининг қолган қирқ йилини ёлғизликда ўтказди.

Унинг бир шеъри Бангладеш халқ республикаси мадҳияси ҳисобланса, бир шеъри Ҳиндистон давлати мадҳияси ҳисобланади. 1947 йил Ҳиндистонни инглиз мустамлакачиларидан мустақилликка олиб чиққан Махатма Гандига, Махатма — яъни «Буюк қалб» номини берган ҳам мана шу Робиндранат Тагор бўлади.

Тагорнинг ўзбек тилида саккиз томлик асарлари чоп этилган. Вақтинг бўлганда ўқиб чиқ. Ахир унинг асарлари бутун дунёда севиб ўқилади. Кинорежиссёрларимиз томонидан «Ганг дарёсининг қизи» номли кино ҳам экранлаштирилган. Шеър ўқигинг келмаса, ҳеч бўлмаса шу кинони топиб кўр. Лекин биламанки, сен шеърларни ҳам яхши кўрасан. Менинг сенга атаб ёзган шеърларимнигина ёқтирмай, отиб юборгансан. Менга шеър бағишламанг, ўзингизни бағишланг — демокимидинг, ёки нўноқ шоирлигим ёқмадими?!

**Мен шоир эмасман,  
аммо на қилай,  
Муҳаббат қўлимга  
тутқазди қалам...**

«Бобби» фильмида Раж Капур ижросидаги ушбу қўшиқ ёдингдими?! Мен ушбу фильми юз марта кўргандирман. Фильм шу қадар кадрдон бўлиб қолган, беихтиёр сени эслайман ва шеърлар куйлиб келаверади. Яқинда Бомбейда, Раж Капур студиясида бўлдим. Ушбу студияда Боббининг излари қолган деб юрагим гулпуриб кетди ва телбаларча студия йўлаклариде юғриб юрарканман, студия маъмурлари хайратдан қотиб қолишди.

Мени шаҳарма-шаҳар кезиб юрадиган бекорчи экан, деб ўйлама. Ўқишларим жойида. Бу ерда, яъни Дехли университетиде биз олти кишимиз. Умуман Ҳиндистонда юзга яқин ўзбек талабаси таълим олади. Бомбейда, Пунада, Мадорасда, Калькуттада, Жайпурда, Аграда хуллас, ҳамма ҳар жойга тарқалиб кетган.

Ҳиндистонда 200 га яқин университети, 1500 илмий-тадқиқот ин-

титуту бор.

Ҳиндистон беш минг йиллик тарихга эга. Энг қадимий маданият ўчоқларидан. Дунёдаги биринчи ёзув — санскрит ёзуви мана шу ерда дунёга келган. Ҳинд олимлари дунёда математика асосчиларидан ҳисобланади. Балки, шунинг учун бўлса керак, Ҳиндистон компьютер ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда иккинчи ўринда турса, дунёга малакали мутахассислар етиштириб бериш бўйича биринчи ўринни эгаллайди.

Компьютер дастурларининг янги турларини ишлаб чиқарувчиларнинг 70-80 фоизини хиндлар ташкил қилади.

Бизнинг университетимиз ҳам тўлиқ компютерлаштирилган. Интернет орқали ҳар кун Узбекистонда бўлаётган аниқликлар, матбуотда чоп этилаётган мақолалар билан танишиб бораман.

Тошкентдаги FM радиоларини деярли ҳаммасини эшитаман. Ҳозир Дехлида ҳаво бироз салқин. Тошкентда дарахтлар энди куртак оқаётган бўлса, бу ерда дарахтлар йил ўн икки ой яшил либосни ечмайди. Агар қизиксанг, яна шунга айтишим мумкинки, Ҳиндистонда 21 минг хил ўсимлик тури мавжуд. Қушларнинг уч минг хил тури бор.

Ер юзининг энг баланд чўққилари жойлашган Ҳималай тоғлари ҳам ва дунёда энг кўп ёмғир ёғувчи Шиллонг майдони ҳам Ҳиндистондадир.

Битта Калькутта шаҳрининг ўзида тиббиёт, физика, адабиёт ва тинчлик учун тўртта одам Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Ҳиндистонда автомобиль ишлаб чиқарувчи 30 та завод ва қўша корхоналар мавжуд.

Бу ернинг кўчалари тор ва автомобиль сероблигидан, тезликни оширишга сира имкон йўқ.

Туғилган кунинг ёдингдими? Биринчи марта машина хайдаганинг. Мен машинани четдан ҳайда деб, жоним ҳалак, дугонанг, ойнадан сенга аталган гулларни битталаб отади, ўртоғим эса кўрқувдан бошини чангаллаб, кўзларини юмиб олган. Сен эса, бир кўлинг билан сигнални тинмай босасан, етмаганига ўзинг қўшилиб ба-

қирасан. Мен эса сенинг хатти-ҳаракатингдан завқланиб куламан. Охири ўзинг инсофга келиб, машинани тўхтатганингда, кулгудан ичга-ичимиз қотиб қолай деган. Ушанда бизда ҳар қадамда учровчи ДАН ходими ҳам негадир учрамаган. Бу ерда эса бутун Дехли бўйлаб икки-уч ДАН ходимини, светофор чирокларини учратмасангиз, анқонинг уруғи. Кейин бу ерда йўл ҳаракатланиши чап томондан. Машиналарнинг рули эса ўнг томонда.

Ҳиндистонда бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобурни Буюк Мўғуллар сулоласининг асосчиси дейишар экан.

Бобур 1526 йил Ҳиндистон тахтини забт этгач, орадан тўрт йил ўтиб, 47 ёшида дунёдан ўтади. Тахтга унинг фарзандлари келади ва 350 йил мобайнида тарқоқ хинд вилоятларини бишлаштириб, улуг Ҳиндистон салтанатига асос солади.

Бугунги кунда Ҳиндистон 25 штатдан ва 7 та марказдан бошқарилувчи иттифоқдош вилоятдан ташкил топган федератив республикадир. Майдони 3 миллион 269 минг квадрат километр.

Тоҷмаҳалга бутун дунёдан бир кунда 15 минг зўраччи келар экан. Бобурнинг мўғул эмас, ўзбек эканлиги, Ўзбекистонда туғилганлиги тўғрисида сарой маъмурияти раҳбарларига кўп тушунтирдим ва келган зўраччиларга ҳам шундай тушунтириш кераклигини ташвиқ қилдим. Маъмурият раҳбарлари буни инобатга олишларини ваъда қилишди. Ва биз ҳам ўзимизнинг маънавий хазинамизни бойитиш учун Шохжаҳон ва Мумтозмаҳал сингари аждодларимиз ҳаётларини на-

муна деб билсак, нур устига аъло нур бўларди.

Лайли ва Мажнун Алишер Навоий бобомиз яратган бадиий қаҳрамонлар бўлганлиги учун, бизга маънавий жиҳатдан муҳаббат тимсоли бўлиши мумкин. Бобур фарзандлари Шохжаҳон ва Мумтозмаҳалбегим ўртасидаги муҳаббат бизнинг қонимиздан бўлган муҳаббатдир. Садоқатда, вафдорликда мен сен учун Шохжаҳонман дейиш ўринли даъво бўлади ва биз бу жиҳатдан аждодларимиздан ўрнак олган бўлаемиз.

Шохжаҳон бобомиз Мумтозмаҳалбегим онамиз хасталик туфайли вафот этганларида ҳали 40 ёшга етмаган эди. У киши Ҳиндистон салтанатининг шоҳи бўла туриб, бошқа оила қурмади ва 22 йил мобайнида, 20 минг уста ёрдамида Тоҷмаҳалқасрини бунёд этди. Қаср қурилишида дунёнинг энг зўр меъморлари, ҳунармандлари, наққошлари, ганҷкорлари иштирок этдилар. Унга ишлатилган оппоқ мрамрлар 400 километр наридан ташиб келтирилди.

Тоҷмаҳал нафақат дунёдаги етти мўъжизанинг бири, нафақат буюк санъат қошонаси, балки сеvgи ва садоқат, меҳр ва олижаноблик кяббаси бўлиб қолди.


Бугун унга бутун дунё ошиқлари интилади. Бу ерга гўзаллиқни кўрмоқ истовчи, вафога содиқ қолишни ҳаётининг маъноси деб билган, бир умр турмуш ўртоғини, сеvgилини бахтли қиламан деб аҳд қилган, Худодан илтижо қилиб сўраган, бир-бирларини ишонтириш учун шу қошона даргоҳида қасам ичишга ошиққанлар келадилар ва тавоф қиладилар. Бугун бу қошона қалбаларда, тилакларда, кўз қароғларида муқаддас жойини эгаллади.

Мен ҳам мана шу буюк даргоҳда сени изладим, ҳайдан сен билан юрдим. Хаёлан сендан жавоб кутдим. Ушанда нималарни ўйлаганларимни айтаман. Мана, ўқи: — биламан, сенинг мендан бошқа ҳам ошиқларинг кўп. Биламан, улар сени мендан кўра кўпроқ севишади, сени мендан кўра бахтлироқ қилишга қодир улар. Улар мендан кўра бойроқ, мендан кўра саховатлироқ.

Аммо, мана шу Тоҷмаҳал ҳаққи-ҳурмати, ота-боболаримиз ҳаққи-ҳурмати қасам ичиб айтаманки, мен сенга садоқатлироқ бўламан, вафодорроқ бўламан. Мен сен учун яшайман. Мен сен учун жонимни, жаҳонимни аймамай. Сени бахтли қилиш учун йўл баробар мард бўламан, сени садоқатли қилмоқ учун юз баробар кучлироқ, олижаноброқ бўламан! Фақат сен мени кут, сен мени ташлаб кетма, сен мени ёлғиз қўйма, сен мендан ўзгани танлама! Сен менинг уриб турган юрагимни сугуриб олсанг, ўзингга олгину, лекин бу юракни ўзим билан ёлғиз қолдирма! Менинг кўз ёшларимни фақат сенинг меҳр билан боққан нигоҳларинггина тўхтата олади, мен томонга қўзилган кўлларинггина арта олади.

Сени соғиниб, сени севиб, сенга суяниб, узокларда улоқиб юрган дарбадаринг

АКБАР




UCHRASHUV

— Тоҳир ака, Абдулла Қаҳҳор атомдан кучли дея таърифлаган адабётнинг вазифаси Сизнингча нималардан иборат?

— Адабиёт сўзининг луғавий маъноси «Одоблар тўплами» бўлиб, у ҳамма замон-

ростовлик бир жинойтчини кўрсатишди. У ҳам аёлларни ўлдириб, гўштини еганликда айбланган. У жинойтларининг ибтидо-сини айтarkan, энг аввал ўз онасини ўлдирганини, чуқки у ёмон хулқли аёл бўлганлигини таъкидлади. Асарда ҳам бир инсоннинг одамхўр Кассоб бўлишига етаклаган муҳит худди шундай тасвирланган эди. Бу каби тасоифлар ёзувчи



«ШАЙТАНАТ» БУЮРТ МА АСАР ЭМАС

ларда кишиларга тўғри яшашни ўргатади. «Ундок яшанг, бундок яшанг» қабилдаги насихатлар билан эмас, маълум бир воқеалар воситасида ўқувчига ибратли ҳаёт йўлини кўрсатади. Ички қарама-қаршиликлардан иборат ҳаётнинг оддий, кўз илгамас жиҳатлари адабий кўзгуда асар этади. Адабиётни тиббиётдорисига қўйс-лаш мумкин. Ёмон дори ичиб қўйган бемор жисмонан қанчалик қийин ҳолга туша, (хатто ўлимга юз тутиши ҳам мумкин) адабий асар томонидан захарланган киши руҳияти, маънавияти ҳам шу қадар озорланади. Назик хижати шундаки, доридан захарланган одам иккинчи бир дори билан тузатиши мумкин. Адабий асар захарлаган ўқувчининг онгини эса бошқа асар билан тузатиш мумкин. Қолаверса, ёмон асар ўқиб, адабиётдан безган киши қай-тиб қўлига китоб ушламаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ёзувчини «инсон руҳия-тининг инженери» дейишди. Битта яхши адабий асар бутун бир авлодни тарбия-лаши ҳам мумкин.

тахлилининг тўғрилигини исботлайди. — Кўп йиллик ижодингизга назар ташларканмииз, асарларингиз- нинг бири-бирдан бетакрорлиги- га амин бўламиз. Бироқ, мухлис- ларингизнинг кўпчилиги тарозин- нинг бир палласига «Шайтанат- ни, иккинчи палласига эса қолган биткиларингизни қўйишди, сиз- нинг бунга муносабатингиз?

— Муносабатим ёмон эмас, бунга тибби қабул қиламан, тўғрироғи бунга ўрга- ни ҳам кетдим. Аммо, манманликка йўймасангиз, айтай, ўзим «Шайтанат»ни ижодимнинг дурдонаси деб ҳисобламай- ман. Чуқки ботиқимда унданда яхши асарлар- им борлигига ишонаман. Масалан, «Сўнгги ўқ», «Ов». «Лекин барибир «Шай- танат»дан сўнг мухлисларим сонинчага ортганини тан оламан. Тўғриси, «Шайта- нат»нинг эл орасида бунчалик машҳур бўлиб кетишини кутмагандим. Биринчи китобнинг айрим боллари бундан 10-12 йиллар аввал «Шарқ юлдузи» журна-лида эълон қилинганди. Ушунда бу роман китоб- хон эътиборини унчалик жалб этма- ган, ҳатто, бир нашриётда ун йил чанг босиб ҳам ётганди. Тангри таолонинг қудрати билан хаёлимнинг кўчасига ҳам келтириш мумкин бўлмаган воқеа рўй берди. «Шарқ» матбаа компанияси директо- ри кўнлардан бир кунни кутилмаганда: «То- ҳир ака, ўша асарингизни бизга беринг, 75 минг нусхада чоп этамиз», деб қолди. Шунда қаламгаги учиб: «Йў-ей, 75 минг- та китобни кимга сотасиз, зарарини ким тўлайди?» деса, бўвдидан хавотир ол- маслигини кераклигини айтди.

Ваъдага мувофиқ, китоб 75000 нусха- да чоп этилди. Эвазига менга 200 та китоб теғди, Худого шўр қўлдим. Фақат бир нарсаси, китоб сотилаётганмикин, де- ган ҳадик хаёлимни ўғирлаган эди. Уша кўн- ларни қатъият билан ўғлимнинг қўлига ун донга китоб бутказдим, сўнг, одамлар- гавжум жойга бориб сотиб келишини бую- рдим. Ўғлим ҳам оғайнисини эрғаштири- ганча, кўчага югурди. Вақиси соат ўтар- ўтмас, 40 сўм пулни кўтариб пайдо бўлди- ун, деди: «Китобларни «Беруний» метроси ёнида сотдик. Биттасини галстук таққан, дипломат кўтариб олган одам (назаримда ўқувчиси бўлса керак), иккинчисини тала- ба қиз, учинчисини милиционер амаки олди», деди. Шунда хурсанд бўлиб, «Ўғлим агар милиционер амакин ҳам китобини пулга сотиб олган бўлса, демак, асар нашриётнинг ҳам, ўзимнинг ҳам ишон- чимни оқлади», дедим.

— Айтишларча, бу асар ким- нингдир ё кимларнингдир буюрт- маси асосида ёзилганмиш, унинг қаҳрамонлари ҳаётда ҳам мавжуд эмиш...

— Очиги бу асарнинг баъдий тўқима эканлигини мухлисларга ўқтириб чарча- дим. Ёзувчи борки, ҳаётни ўрганади, ун- дан таъсирланади. Буларсиз ёзувчининг ёзганлари таъсири қиймайди. Қаҳрамо- нини Асадбекка келсак, у айримлар айта- гандек фалончи бойвачча эмас. Учинчи китобнинг муқаддимасида айтиб ўтган- дим, яна таякорлайман. Мабодо, асар қаҳрамонларини кимларгадир айнан ўхшатган бўлишига, бунда менинг айбим йўқ. Тангри номи ила қўлига қалам олган ижодкорнинг қайсидир жинойтчи ёки жи- ноятчилик буюртмаси асосида асар ёзи-

ши ақлга сиғмайидган нарсаси, шундай эмасми?

— Асадбек қотил, хавфли жиной- ятчи, хуллас таназзулга учраган шахс. Бироқ негадир хонадонлар- да ўғил қақалоқ дунёга келса, кўпчилигининг исми фохр билан Асадбек қўйилмоқда. Аввал макта- бда безори болаларнинг лақаби «Атаман» бўлса, эндиликда Асад- бек. Қаҳрамонингиз аслида сал- би тимсолми ёки ижобий, унн англаш мушкул. Ўзингиз Асадбек- ка нисбатан қандайдир илиқлиқни сезасизми?

— Тўғри айтдингиз, Асадбек инқиро- зга учраган шахс. Мен унга ниҳоятда ачи- наман, шу ачинашини айримлар меҳр деб ўйлашар экан. Албатта бу уларнинг шах- сий қарашлари. Асардан кўзланган мақ- сад ур-сур, олди-қочдини ёзиб, шўхрат қозониш эмас, кимнидир оқлаш ёхуд қора- лаш ҳам эмас. Мен бир нарсасга эришга- нимдан шодман. Муродим жинойтчининг ҳам одам эканлигини исботлаш, унинг руҳий оламини очиб беришдан иборат эди. Балки шу боисдан ҳам у китобхонлар қалбидан ҳол олгиндир...

— Асарнинг иттиҳоси, яъни сўнгги китобнинг хитомасида ай- танганингиздек, васл туғиб, фироққа етишилди. Асадбек эса, ҳеч нарсаси бўлмагандек одамлар оқимига қарши кириб кетаверди. На жиной- тчи жавобгарликка тортилди, на...

— Асарнинг якунида кимнингдир ўли- шига ёки бахт-чўққисига чиқишига ўрга- ни қолганмиш. Назаримда, яхши асар бошқаларникига ўхшамаслиги керак. Баъзан кўча-қўйда мухлислар нимага Хосилини, Чувриндини, Кесақполловни ўлдирдингиз. Асадбекка жин ҳам урма- ди, деб сўраб қолдишди. Уларга жаво- бим шўки, асарда бирор ўлим ёки жинойт бехуда содир этилмаган. Унинг замири- да рамзий маънолар, турли сабаблар ҳамда теран мушоҳада этилса ечими топиладиган маънолар яшириган. Ма- салан, Кесақполловнинг хор бўлиб ўли- шиди, ҳатто ўлгандами кўзлари қачқайиб қолганида, гўё ўзидан сўнг ҳам дунёда бир қанча нохушлиқлар, хиёнатлар со- дир бўлаётгани башорат қилаётгандай эди. Асадбекнинг ҳам одамлар оқимига қарши боришида катта маънолар зоҳир эди. Галнинг индиаллоси, барининг не- гизизда бандларни оғоҳликка қорлаш, Шайтанат домига тушиб қолмасликка ундаш ётади.

— «Мен дунёга биттагина сўз айтмоқчиим, шу сўзини айтишга муяссар бўлганим учун ёзувчи бўлиб кетдим», деган экан Жар Лец. Хўш, сиз айтар сўзингизни топадингизми, ёзганларингиз ўзингизни қониқтирадими?

— Биласизми, ижод аҳли эҳтиёж ки- шиси эмас. Шундай экан, унинг қалбиди майда дардлар эмас, бутун бир миллат дарди ётади. Атрофдағиларнинг барини бахтиёр кўрмагунча, халқнинг нола- ларини қоғозга тўкмагунча ёзувчининг му- роти ҳосил бўлмайди. Унинг айтар сўзи қолмаса, демак, умрининг поёнига ет- танидан дарак.

Мухлиса МУХИДДИНОВА сўхбатлашди

TO'RTINCHI HOKIMIYAT HAQIDA SO'Z

Ф уқаролик жамиятининг шаклланишида шахснинг ҳуқуқий билим ва маданияти алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, қонун- ларнинг ижросини таъминламасдан, ҳуқуқий билимларни ошир- масдан туриб, жамиятда демократия тамойиллари тарқиб топтириш мумкин эмас. Қабул қилинаётган қонунларни тар- қиб этиш, меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг бажарилиши билан боғлиқ вазифаларни ёритиш масалаларни ҳуқуқий йўналишда- ги оммавий ахборот воситалари зиммасига юклатилган. Жум- ладан, Республика прокуратураси тизимида нашр этилаётган газеталар ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллан- тириш учун сафарбар қилинган. Улар сафида Жиззах вилояти прокуратураси муассислигида чоп этилаётган «Адолат ёлқини» газетаси ҳам бор.

ИЗЛАНИШ ҚИРРАЛАРИ

2003 йилнинг 21 ноябрдан янги номда чиқа бошлаган ушбу газета илгари «Ҳуқуқ ва бурч» деб номлан- ган. «Нуқуқ»да чоп этилган мақола- лардан бирида газета фаолияти кес- кин таъкид қилинган эди. Таҳририят жамоаси танқиддан тегишли хулоса чиқариб, ишда жиддий ўзгаришлар ясаганлигини унинг илк сонларидан- қочиб, пайқаш мумкин. «Адолат ёлқини» мазмун ва мундарижа жиҳатдан ўзи- га ҳосликка интилишни, мавзулар- нинг ранг-баранглиги, зоҳир газета- ларда кенг тарқалган бесамар шов- шувларнинг орқасидан қувишдан қочиб, ҳуқуқий тарбиянинг турли шаклларидан фойдаланишга инти- лишни сезасиз.

Газетада берилётган мақолалар мавзу йўналиши жиҳатидан ҳуқуқий тарбиянинг муҳим қирраларига қаратилган. Жумладан, ёшлар муаммола- ри тўғрисидаги қонунлар ижроси ус- тидан прокурор назорати самарадор- лигини таъминлашга бағишланган қонун мақолалар кўтариб чиқаётган муаммолари жиҳатидан анча сал- моқлидир. Масалан, газетанинг шу йил 12 март сонидида вилоят прокурори Р.Муҳиддиновнинг «Келажак урнун- гўрлик» сарлавҳали сўхбати ёрилган. Унда вояга етмаганлар билан ишлашда вилоятда олиб борилаёт- ган ишлар билан бир вақтда бу соҳа- даги муаммолар илдизи ҳам очиб берилган.

«Қонун ҳамма учун баравар», «Суд заливдан», «Жинойтга жазо муқар- рар», «Прокурорлик назорати» руқ- лари остида берилётган кўлаб ма- қолалар, лавҳалар ҳам тили, мавзуга ёндошишининг ўзига хослиги, ўқишли- лиги билан газетхонни ўзига жалб қилади.

«Ҳуқуқликда уч йил» мақоласида хорижда иш қидириб борган аёл тақ- дири қизиқ қилинади. У товланмачилар тузоғига айланиб, Туркияга бориб қола- ди. У ерда эса аёлни маҳаллий тад- биркорга сотиб юборишади.

Мақола газетхонларда катта қизи- қиш уйғотди. Таҳририят «Дубай син-

дроми» туркумидаги мақолалар юза- сидан кўплаб хатлар олган. Улардан бирида шундай дейилади: «Дубай синдроми» туркумига ўхшаган мақо- лалар газетада тез-тез бериб бо- рилса. Балки хорижда уч ёшларимиз- нинг айримлари ялтираб қўринган нарсанинг ҳаммаси ҳам олтин бўла- вермаслигини англаб етишармиди». Демак, мақола ёшларга ўз таъсир кучини ўтказган. Бу эса адашганлар сафининг қисқаришига сабаб бўли- ши мумкин. Зеро, газета сўзининг қудрати ҳам жамоатчилик фикрини шакллантиришдадир.

Ҳуқуқий газета зиммасидаги асо- сий масъулият шахснинг ҳуқуқий ма- данияти ва ҳуқуқий онгини шакллан- тиришда фаол иштирок этишидир. Шу маънода «Адолат ёлқини» газетасида доимий равишда Конституциямизга доир тест саволларининг ва жо- бларнинг бериб борилиши, ҳуқуқий маслаҳатхонларнинг ташкил этил- ганлиги, халқимизнинг миллий кад- риятлари ҳақида ҳикоя қилувчи иб- ратли ривоятларнинг ёритилиши ҳам қизиқ илқ таассурот қолдиради.

Интилиш, ишқидий жараён бор жойда қамчиликлар, ҳуқуқсонлар бўли- ши табиий. «Адолат ёлқини» газетаси ҳам албатта, бундан холи эмас. Бу кўпроқ газетанинг баъдий беэзаги ва дизайни масаласида кўзга ташлана- ди. Унинг матбаа сифатини яхшилаш, полиграфик базасини мустаҳкамлаш тўғрисида ҳам ўйлаб қўрилса, нур устига нур бўлади. Шунингдек, обу- нани ташкил этиш, нуқсасини қўлай- тириш ҳам ижодий жамоанинг, муас- сисининг навбатдаги вазифаларидан биридир. «Адолат ёлқини» газетаси ҳозир минг нусхада чоп этилаётти. Унинг нуқсасини қўлайтиришга эри- шиш яна минглаб жижзахликлар хонадонига маърифат, маънавият улашиш эканлигини таҳририят ҳам, муассислар ҳам унутмасликлари ло- зим.

С.ОРТИҚОВА, Республика Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ҳамда фохриятлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокурату- расининг фохрий ходими

Иўлдошали ҒАНИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Андижон вилоят прокуратура- си жамоаси прокуратура фохрийси Иўлдошали ҒАНИЕВнинг вафоти муносабати билан мар- хумнинг оила аъзоларига ва яқин- ларига чўқур ҳамдардик билдира- ди.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси бўлим прокурори Нилу- фар Оллобергановага уқаси

Музаффар ОЛЛОБЕРГАНОВнинг бевақт вафот этганлиги муносаба- ти билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси прокуратура фохрийси Азим ЮНУСОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардик билдиради.

HUQUQ yuridik gazeta Ta'sisichilar: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir: Abduxoliq ABDURAZZOQOV Tahririy hay'ati: Bahrididdin VALIYEV, Azimjon ERGASHEV, Dilshod ISLOMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (mas'ul kotib), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66. TEL.: 133-82-34, 133-64-72. E-mail: Info@huquq.uz. FAX: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashridan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Ғ — 470. 22465 nuxxada chop etiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir F.YODGOROVA Navbatchi: A.MUSTAFOYEVA Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonа manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Gazeta haftaniga chorshanba kunlari chiqadi. Sotuvda sotim narxda Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 18.30. 1 2 3 4 5 6 7 8